

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ

«ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ»
Факультети

«Ер тузиш ва ер кадастри »
кафедраси

«Ҳимояга рухсат берилди»
Кафедра мудири
_____ в.б.С.Асатов
« ____ » _____ 2014 й.

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Жондор тумани “Нарзи Ражабов” массивида ер ҳисобини юритиш
ва ер баҳолаш ишларини ўтказиш.

Бажарди:

Д.Жумаев

Раҳбар:

Проф. У.Тожиев

Бухоро - 2014

МУНДАРИЖА

Т/р	Битирув малакавий иши бўлимлари номи	Варақлар
1	Битирув малакавий ишини бажариш учун топшириқ	3
2	Битирув малакавий иши дастури	5
3	Кириш	8
4	1-БОБ. Массивнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий тавсифланиши	12
5	2-БОБ. Массивда ер ҳисобини юритиш	19
6	3-БОБ Массивда ер баҳолаш ишларини ўтказиш иқтисодий асослаш	34
7	Хулоса	64
8	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	66
9	Иловалар	68

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ БУХОРО
ФИЛИАЛИ**

“ЕР ТУЗИШ ВА ЕР КАДАСТРИ” КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кафедра мудири _____ в.б.С.Р.Асатов

“_____” _____ 2013й

**Жондор тумани “Нарзи Ражабов” массивида ер ҳисобини
юритиш ва ер баҳолаш ишларини ўтказиш
мавзусида бажариладиган**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ
ДАСТУРИ**

БМИни бажарувчи:

Д.Жумаев

Рахбар:

проф.У.Тожиев

Бухоро – 2013

КИРИШ

УМУМИЙ ҚИСМ

I БОБ. МАССИВНИНГ ТАБИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ТАВСИФЛАНИШИ

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар (жойлашган жойи, чегарадошлари, умумий ер майдони, аҳоли пунктлари тавсифи, аҳоли сони, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар).

1.2. Массивнинг табиий-иқлим шароитлари (Иқлими, рельефи, тупроқлари, ер ости сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси).

1.3. Массивнинг туман қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги аҳамияти.

II. АСОСИЙ ҚИСМ

II.БОБ. МАССИВДА ЕР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

2.1. Ер ҳисоби мазмуни, моҳияти.

2.2. Ер ҳисобининг турлари ва ўтказиш усуллари.

2.3. Массивдаги ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларининг ҳисоби.

2.4. Ер ҳисобини юритишда меҳнат муҳофазаси.

III.БОБ. МАССИВДА ЕР БАҲОЛАШ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ

3.1. Массивда тарқалган ер турлари ва тупроқ хиллари тавсифи.

3.2. Тупроқ бонитировкаси.

3.3. Ерларни баҳолаш.

3.4. Ерларни баҳолашнинг иқтисодий моҳияти.

3.5. Ер баҳолаш ишларини ўтказишнинг экологик асослари.

ХУЛОСА.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.

ИЛОВАЛАР.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ер табиий ресурслар ичида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. У мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини таъминлайди, республикаимизнинг иқтисодий салоҳияти учун моддий негиз яратади. Шу сабабли ердан ҳар қандай даврда ва шароитда оқилона, унумли ва илмий асосланган тарзда фойдаланишни тўғри ташкил этиш мамлакат бугуни ва келажаги учун нихоятда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарор-лик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ер заҳираларининг чекланганлиги ва сифат таркибининг пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бораётганлиги, айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, балки мамлакатимизнинг келажагини белгилаб берувчи омил эканлиги, шунинг учун ҳам ерларни муҳофаза қилиш, улардан ўта самарадорлик билан ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш замонамизнинг энг долзарб масаласи эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

2011 йилнинг 19 январь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда президент Ислом Каримов нутқ сўзлади ва 2011 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 8,3 фоиз ўсганини таъкидлади.

Президентимиз, мажлисда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларининг натижалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтди: “Мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрланди.

Айни пайтда биз қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи навбатда тупрок унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ, ҳали-бери ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини ҳам эътироф этишимиз зарур.

Шуни очиқ тан олиш керакки, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг масъулиятини янада ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Ўтган йили 3 минг 800 дан ортиқ фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини бажара олмади. Натижада 120 миллиард сўмликдан ортиқ ёки 160 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси кам етказиб берилди. Агар бу кўрсаткични экспорт қилиш мумкин бўлган пахта толасига айлантирадиган бўлсак, бой берилган фойда ҳажми, пахтани қайта ишлашдан олинadиган мой, шрот, кунжара ва бошқа маҳсулотларни ҳисобга олмаганда ҳам, йўқотиш қарийб 100 миллион долларни ташкил этади.

Ўтган йили 1 минг 500 та фермер хўжалиги давлат захирасига ғалла сотиш бўйича 18 миллиард сўмлик ёки 62 минг тонна ҳажмидаги шартнома мажбуриятини бажармади.

Ана шу масалалар юзасидан ҳар бир вилоят ва туман бўйича тегишли хулосалар чиқарилиши керак. Бунда, энг аввало, фермер хўжаликларига ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича белгиланган тартибга риоя қилинишини, шу борада қонун бузилишларига йўл қўймасликни таъминлаш зарур. 2012 йилнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, жорий йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари аввало юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Ялпи ички маҳсулотнинг 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқаришининг 8,6

фоизга, қишлоқ хўжалигининг 5,8 фоизга ўсиш суръатлари белгиланмоқда.

Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

Президентимиз мажлисда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб аталганлиги тўғрисида ҳам қисқача тухталди: “Биз 2012 йилни юртимизда “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилдик. Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш каби ўз олдимизга қўйган бошқа муҳим мақсадлар барчамизга яхши маълум.

Бу ўринда гап айнан шулар ҳисобидан пировард натижада оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш ҳақида бормоқда.”

Мавзунинг аҳамияти. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган ижтимоий – иқтисодий қайта қуриш сиёсати, ер муносабатларини тартибга солишга, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш даражасини оширишга объектив шароитлар яратди. Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришиши, мустақил давлат деб эълон қилиниши ва ҳукуқий жамият қуриши, ўз ҳудудида ер муносабатларини тартибга солишда ва ривожлантиришда тўла мустақилликка эришганлиги, унинг ерлардан оқилона фойдаланиши, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва муҳофаза қилишнинг ҳукуқий асосини яратиш ва такомиллаштиштириш имконини беради. Мамлакатимиз аграр соҳасида ислохотларни ҳукуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бир қанча

қонунлар қабул қилди. Биринчи галда мамлакатдаги ерга бўлган муносабатнинг ҳуқуқий асослари Конституцияда белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», - деб белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"(1998 йил 30 апрель), "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонун , "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги қонун ва бошқа қишлоқ хўжаликдаги ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, сўнгги йилларда ердан фойдаланиш соҳасида кўплаб янгиликлар жорий қилинди, жумладан, ердан ижара асосида фойдаланиш ҳуқуқи ривожланди, ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқлар кимошди савдоларида сотила бошланди, энг муҳими ривожланган бозор талабларига мос равишда ер участкаларини хусусийлаштириш ишлари йўлга қўйилди.

Бундай шароитда ер бойликларидан унумли, оқилона, самарали, илм-фан тавсиялари, табиатнинг умумий қонуниятлари асосида фойдаланиш ва уни муҳофазасини тўғри таъминлаш, ерларнинг тоифалари, фойдаланиш мақсади ва иқтисодий самарадорлиги ўзгаришларинининг аниқ ҳисобини олиб бориш, натижаларни таҳлил қилиш орқали аниқ илмий хулосалар ясаш ва ушбу хулосалар асосида ерларда келиб чиқадиган салбий жарайонларни олдини олиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, ҳозирги даврнинг биринчи даражали долзарб вазифаларидан биридир.

Шу мақсадда биз томонимиздан танланган мавзу Бухоро вилояти Жондор туманида жойлашган Нарзи Ражабов массивида ер ҳисобини юритиш ва ер баҳолаш ишларини ўтказишга қаратилди.

УМУМИЙ ҚИСМ.

I БОБ. МАССИВНИНГ ТАБИЙИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ТАВСИФЛАНИШИ

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

Нарзи Ражабов массиви Бухоро вилояти Жондор туманининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб шимолий томондан Тошқул Ҳотамов массиви, туман ўрмон хўжалиги ва Жондор шаҳарчаси ерлари билан, жанубий томондан Навоий ҳамда Ўзбекистон массиви ерлари билан, шарқий томондан Охунбобоев ва Теша Салимов массиви ерлари билан, ғарбий томондан Зарафшон массиви ерлари билан чегарадош. Массив ҳудудидан М – 37 автомагистрал йўли ўтган бўлиб бу йўл массивни шимолий томондан Тошқул ҳотамов массивидан ажратиб туради. Массивнинг умумий ер майдони 5378 гектарни ташкил қилади. Шундан 1691 гектар суғориладиган майдон мавжуд. Массивда 13 аҳоли пункти мавжуд. Булар: Юқори Арабхона, Ёвониболо, Демун, Кўча, Дўққи, Пўлоти, Занги, Янгиобод, Каллазор, Патта, Қуйи Арбхона, Шодилар ва Ҳазарман қишлоқларидир. Массивнинг марказий кўрғони “Пўлоти” қишлоғидир. У ерда ҚФЙ идораси жойлашган. Массивда 3037 та оила мавжуд бўлиб аҳоли сони 14285 нафарни ташкил қилади (2011 йил 1- январ ҳолатида). Массив ерлари 22 та фермер хўжалигига фойдаланиш учун берилган бўлиб шундан 4 та фермер хўжалиги чорвачиликка қолган 18 таси эса деҳқончиликка ихтисослашган. Бундан ташқари массивда 8 та деҳқон хўжалиги фаолият юритмоқда.

1.2. Массивнинг табиий-иқлим шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари, ер ости сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, инсон фаолияти)

1.2.1.Иқлими.

Ўзбекистон улкан Евро - Осиё континентининг марказида жойлашган. Мамлакатимизнинг ҳудудини бешдан тўрт қисми Ўрта - Осиёнинг чўл ва ярим чўл кенг ерларида жойлашган бўлиб, жанубий - шарқ. ва шарқ

томондан баланд тоғ тизмаларига бориб туташади. Шимолдан Жанубий Козоғистон чўллари билан чегараланган бўлиб, шимолий – шарқ ва шарқдан Тяньшан билан, жанубий Шарқда эса Ҳисор - Олай тоғ тизмалари билан кушилиб кетган. Кизилқум ҳудудини қорақумдан Амударё буйлаб унча баланд бўлмаган Устюрт платоси ажратиб туради.

Республика ҳудудидаги мавжуд иқлимнинг муҳим омили ер юзасига келаётган ва айниқса ёз ойларида кучаядиган қуёш радиациясидир. Марказий Осиё иқлим минтақасига кўз ташлаганда Зарафшон дарёси дельтасининг қуйи оқимида жойлашган Жондор тумани иссиқ чўл минтақасида жойлашганлиги маълум бўлади. Бу ерда ёз кунлари иссиқ, киши эса анча совуқ тун билан куннинг орасидаги иқлим кескин ўзгариб туради. Ҳаво қуруқ, ёгингарчилик кам. Ёз фаслида ҳарорат иссиқ бўлиши экинларнинг нормал ўсишига таъсир қилади. Тупроқ қатламига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Жондор туманининг йиллик ҳарорати 20°C дан юқори. Пахта ўсиш давридаги мусбат ҳароратнинг йиғиндиси $4750 - 4950^{\circ}\text{C}$. Иқлим қуруқсизлиги бу ерда ёгин - сочиннинг камлиги билан ифодаланади. 1 йилда ўртача 125 мм ёгингарчилик кузатилади. Ер сатҳидан парланиш йилига 2500 мм атрофидадир. Куз даврида ҳам қуруқчилик кузатилади. Қиш ва баҳор даврида ёгингарчилик қисқа муддатли бўлади. Ёз ойларининг нисбий намлиги 20% дан ортмайди. Усимлик ва тупроқ қатламига таъсир қилувчи яна бир омилга шамол таъсирини қурсатиш мумкин. Масалан бу ерда шамолнинг йуналиши қуруқ шимолий ғарбдан бўлиб туради. Шамол олиб келган кум ва кумлокли заррачаларнинг суғориладиган ерларда тарқалиши тупроқ қатламида ҳар хил механик таркибли тузилмаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Бундан ташқари шамол ҳаво қуруқчилигига олиб келади. Бунинг натижасида ҳаво қуруқлиги ўз навбатида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини баргини, гулини туширишга сабаб бўлади. Парланиш ва буғланиш ёгингарчилик микдорига нисбатан 10-15 маротаба ошиб кетади.

1.2.2. Рельефи

Тупроқ пайдо қилувчи муҳим омиллардан яна бири рельефдир. У тупроқларнинг вужудга келиши, тупроқ қоплами хилма-хиллигини вужудга келишини курсатади.

Рельеф асосан қуёш радиацияси ва намликни ер юзасида қайта таксимлашда иштирок этади. Туман худудида 2 та геоморфологик район ажратилади.

Хорзирги замон Зарафшон дельтасининг қуйи қисми Қадимги Моҳонкул аллювиал-пролювиал пасттёкислиги. Суғориладиган ерларнинг барча майдонлари шу геоморфологик районларда жойлашган. Қадимдан суғориладиган ерлар Зарафшон дарёси дельтаси тёкислигида жойлашган бўлса, янгидан узлаштирилган ерлар эса Моҳонкулни атрофида унча чуқур бўлмаган паст тёкисликларда тарқалган, худуднинг жуда куп жойлардан суғориш тармокдари ва коллекторлар ўтказилган.

Ўрганилаётган худуд аллювиал ва пролювиал ёткизликлар билан тулғазилган бўлиб географик жихатдан депрессияда жойлашган. Аллювиал ёткизликларнинг юза қисми агроирригацион келтирилмалари билан копланган бўлиб, уларнинг калинлиги 0,5-1,5 см ни ташкил этади.

Айрим жойларда эса ундан ҳам калинроқ бўлиши мумкин. Масалан Жондор, Қизизбиби, Зарафшон, Ўзбекитон худудларда уларнинг калинлиги то 1,5 - 2,0 м гача. Маълумки, бу ёткизликларнинг пайдо бўлиши инсон фаолияти билан, яъни куп йиллар давомида дехқончилик маданиятини ривожлантириш билан боғлиқдир. Юқорида таъкидлагандек бу ёткизликлар механик таркибига кура куп жойларда хар хилдирлар.

Умумий қилиб айтганда миссивнинг рельефи нисбатан тёкис ва кишлоқ ҳўжалиги учун қулай бўлиб ҳисобланади.

1.2.3. Тупроқлари

Массивда тарқалган тупроқлар тўғрисида гапирганда албатта тупроқ “экспликация”сига мурожаат қиламиз. “Ўздаверлойиҳа” институти Бухоро филиалининг маълумотларига қараганда массивда қуйидаги тупроқ гуруҳлари мавжуд. Массив морфологик жиҳатдан Зарафшон тупроқ иклим округида жойлашган бўлиб ўз навбатида ушбу округ қуйидаги 4 қисмга бўлинади:

- 1) Зарафшон даресининг II соҳили усти террасаси катламли аллювиал ёткизликлар. Суғориладиган утлоки тупроқлар.

Ўзлаштирилганлик даври бўйича Эскидан ва янги суғориладиган ўрта маданийлашган ўрта ва енгил қумоқли

- 2) Зарафшон даресининг I-соҳил усти террасаси. Катламли аллювиал ёткизликларнинг Суғориладиган утлоки тупроқлар.

Ўзлаштирилганлик даври бўйича Янги суғориладиган ўрта ва кам маданийлашган

механик таркиби огир қумоқ каватли енгил қумоқли тупроқлар.

- 3) Субтропик чул зонаси. Марказий Осиё провинцияси аллювиал ёткизлик Зарафшон дарёси дельтаси Суғориладиган утлоки тупроқлар.

Ўзлаштирилганлик даври бўйича Эскидан суғориладиган ўрта ва кам маданийлашган, механик таркиби огир ва ўрта қумоқли тупроқлар.

- 4) Суғориладиган тақир-утлоки тупроқлар.

Ўзлаштирилганлик даври бўйича Янги суғориладиган кам маданийлашган, механик таркиби қумли,ўрта қумоқли тупроқлар.

1.2.4. Сизот сувлари ва уларнинг минераллашуви даражаси.

Туманинг ер ости сувлари асосан ёгин - сочин, Зарафшон дарёси Аму - Бухоро машина канали ҳисобига таъминланади. Сизот сувлари асосан парланиш ва транспирация ҳамда ер остининг коллектор зовурларидан окиб чикиб кетиш ҳисобига сарфланади. Рельфнинг кутарилган юкори қисмларида сизот сувларнинг оқиб чикиши ва рельефнинг жойлашган пастки қисмида сизот сувларнинг чуқурлиги 1,5-3 м атрофида бўлиб уларнинг окдовалигини таъминлаб туришда коллектор ва зовурлар катта роль уйнайди. Аммо айрим жойларда коллектор захкашлар, зовурлар орасидаги масофа узоқ, ҳамда уларни баъзи бирлари ифлосланган. Сизот суви билан тулиб қолган, окиовалиги талаб даражада эмас. Шунинг учун уларнинг ер ости сувларини тортиши сусайиб қолган.

Сизот сувларининг сатхи ўрганилган худудда ер юзига якин, 2 - 3 м чуқурликда жойлашган бўлиб март, апрель ойларига тўғри келади. Ҳамда сизот сувларининг иккинчи кутарилиши пахта ва бопца қишлоқ хўжалик экинларининг интенсив суғориш даврида июль, август ойларида 1 - 2 м га кддар ер юзасига кутарилади. Сизот сувларининг минераллашув даражаси суғориладиган ерларда 8 - 10 г/л ташкил этади. Туман худудининг чекаларида паст жойларида яъни сизот сувларининг деярли окиб чикиб келадиган жойларида минераллашув даражаси юкори бўлиб 30 г/л га тўғри келади.

1.2.5. Усимликлари ва хайвонот дунёси.

Усимликлар ҳам тупроқ пайдо булишида муҳим аҳамият касб этади: Тупроқ усимликлар, хайвонлар, замбуруглар, микроорганизмлар учун экологик муҳит ҳисобланади. Усимлик коплами хаддан ташкари хилма - хил бўлиб табиий минтакалар ва регионлар буйлаб қонуний равишда тақсимланадиган усимлик гуруҳларига ёки фитоценозларга булинади.

Маданий усимликлар тупроқ пайдо булишида мухим роль уинайди. Туманнинг суғориладиган майдонларида ажратилган омиллар таъсирида усимлик таркиби кескин ўзгарган, табиий усимлик коплами бутунлай йўқотилган. Маданий усимликларга ишлов беришда, ҳамда бегона утларга хар хил кимёвий моддаларни куллаш натижасида табиий усимликлар коплами йўқолган. Суғориладиган ерларда коладиган органик моддалар микдори ҳам кескин ўзгаради, чиринди хосил булиш жарайони ҳам бошкача типда кечади. Бу худуддаги тупроқларда усимликлар ер юзида усмайди, ва табиий шароитга мос тукайзорлар ер юзида тула коплам хосил қилмайди, ва бу ерда чимли катлам ривожланмайди. Бу минтакада ривожланган усимликлар айрим холларда тупроқларни шўрланишига сабабли булади. Тупроқ пайдо булиш жарайонида усимликлардан ташқари хайвонлар, микроорганизмларнинг ҳам роли нихоятда каттадир. Микроорганизмлар тупроқга тушадиган органик моддалар, усимлик колдикдарини, нобут бўлган хайвонлар ва микроорганизмлар таналарини чиритади, тупроқда чиринди хосил булишида катнашади, ва унда минерал моддаларнинг қайта ўзгаришига атмосферадаги газеимон бирикмаларни ҳамда тупроқ хавосининг ўзгаришида имкон яратади.

Микроорганизмларни умумий микдори гектарига 5 тоннагача етади. Уларни асосий массаси тупроқнинг юкрри горизонтларида суғориладиган тупроқларнинг, хусусан хайдалма катламида тупланишига замин хосил қилади.

Шундай қилиб тупроқ пайдо булишига биологик омилнинг, усимликларнинг аҳамияти каттадир. Усимлик ва хайвонот дунёси тупроқнинг эволюцияси ва ўзгаришида катта роль уинайди.

1.2.6. Инсон фаолияти.

Тупроқ ҳосил булиш жарайони табиий шароитлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолда инсон фаолияти таъсирида ҳам ўзгаради. Инсон узининг яшаши учун зарур бўлган шароитни яратиш учун тукайзорларни яйловларни ўзгартириб урмонларни кесади, йуллар чикаради, канал казиб дарё узанларини ўзгартиради, ерларни сугорганда уларнинг табиий ривожланиш жарайонини ўзгартиради. Табиий биогеоценозда тупроқ ва усимликлар бир-бири билан кучли боғлиқ бўлганлиги аниқданган. Усимликларнинг усиши ва хосили тупроқ унумдорлигига ва унинг хосса хусусиятларидан ажралмас боғланган бўлиб куп жихатдан моддаларнинг биологик айланма харакатини белгилайди ва шу туфайли тупроқ хоссаларига таъсир этади.

Шунинг учун ҳам табиий шароитда маълум тупроқускуналарнинг ўзгаришига сабаб булади. Маданий усимликлардан фаркли уларок тупроқга талабчан булади. Бу усимликларнинг усиши учун тупроқга етарли булмаган шароит инсон томонидан яратилади.

Маданий усимликлар киска вегетация даврида жуда куп озукa унсурларига мухтож сезади ва уларни асосан тупроқлардан олади. Ана шу унсурларни тупроқга қайтариш мақсадида органик ва минерал угитлар ишлатилади. Бундан ташкари суғориш суви уз таркибида эриган ва каттиқ ҳолда ги озукa элементларни олиб келади. Шу билан бир вақтда агроирригацион келтирилмалар тупроқпрофилида туз ва озукд унсурларининг қайта таксимланиш ҳисобига янги тупроқкоплами пайдо булади. Демак инсон фаолияти тупроқ пайдо булишида мухим омил ҳисобланади.

1.3. МАССИВНИНГ ТУМАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Массивда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан асосан пахта ва ғалла этиштирилсада боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик ва паррандачилик тармоқлари ҳам яхши ривожланган. Массивнинг Юқори Арабхона, Демун, Ёвониболо қишлоқлари аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланади. Туманда этиштириладиган пахтанинг 8 % дан ортиқроғи ғалланинг 6.5 % и, гўшт маҳсулотларининг 14 % и, сут ва сут маҳсулотларининг 9 % и, мева ва сабзавотларнинг 11 % и Нарзи Ражабов массивида этиштирилади. Бундан кўриниб турибдики массивнинг, туман қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги аҳамияти катта.

II. АСОСИЙ ҚИСМ

II.БОБ. МАССИВДА ЕР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

2.1. ЕР ҲИСОБИНИНГ МАЗМУНИ.

Ер хисоби давлат кадастрининг энг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ер ҳисобининг асосий вазифаси мамлакат ер фондининг, ер тоифалари ва турлари, ерларнинг фойдаланиш мақсади ҳамда тармоқлар бўйича бўлинишининг аниқ ҳисобини олиб боришдан иборат Уни олиб боришнинг узига хос хусусияти бор. Бу хусусият ер майдонларининг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусияти билан боғлиқ. Халқ хужалиги тармоқларида ер турли мақсадларда фойдланилади. Шундай экан, унинг ҳисобини юритиш амалга оширилади. Ер, уй-жой биноларини, саноат, қишлоқ хужалиги ва урмон хужалиги, транспорт корхоналари, маданият муассалари, сағликни саклаш масканлари ва бошқаларни жойлашиш урни сифатида ҳисобга олинади.

Ерларни ҳисоб қилишда ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида бир томондан, умумийлик мавжуд, иккинчи томондан узига хос хусусиятлар

ҳам мавжуддир. Бу ҳол ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида ернинг тутган урни билан боғлиқдир. Ҳамма жойда ер кенглик асоси сифатида ҳисобга олинади. Шу сабабли ҳам у энг аввало, уз ўлчамлари ва кенгликдаги жойлашуви билан характерланади. У ёки бу ишлаб чиқариш корхонасини жойлаштириш ва қуриш учун ушбу мақсад учун берилган ер майдони тўғрисидаги маълумотга эга бўлиши зарур. Аммо тенг ўлчамдаги майдон битта ёки бир неча алоҳида жойлашган участкалардан ташкил бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш учун корхонага ажратилган ернинг кенглик ҳолати тўғрисидаги маълумотга эга бўлиши зарур.

Ишлаб чиқаришнинг баъзи тармоқларида (кишлоқ хужалиғи, урмон хужалиғи) ерларни кенглик асоси сифатида ҳисоб қилишдан ташқари, уни асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ҳам ҳисоб қилиш зарур. Бу эса уз навбатида ерлардан фойдаланиш ва уларнинг сифат ҳолати тўғрисидаги махсус маълумотлар олиш заруриятини тугдиради. Бунга биринчи навбатда кишлоқ хужалиғи ерларининг таркиби ва сифати тўғрисидаги маълумотлар киради.

Ер ҳисобида ерларнинг микдор жихатидан ҳисобини юритиш ҳамда сифат тавсифни бериш учун натурал улчовлар қулланилади. Ҳисоб халқ хужалиғини режалаштириш мамалакат ер фондидан оқилона ва самарали фойдаланиш учун ҳамда муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ерларнинг микдори, сифати ва хўжалик жихатидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни олиш қайта ишлов бериш, таҳлил қилиш ва сақлашга йуналтирилган. У муҳим аҳамиятга эга. Унинг маълумотлар мазмуни энг аввало кишлоқ хужалиғи зарурияти буйича аникланади. Негаки, ер халқ хужалиғи алоҳида тармоқларида турли мақсадларда фойдаланилар экан, шу сабабли ҳам ер ҳисобига турлича талаблар қўйилади. Аник вазифаларга ва асосий мақсадларга қараб ер ҳисоби турлича роль уйнаши мумкин. Баъзан у давлат ва баъзан маълум бир тармоқ буйича тадбир сифатида қавдаланади.

Умумдавлат вазифаларини бажаришда (халк хужалигини режалаштириш мамлакат ер фондидан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ва х.к.) у давлат тадбири сифатида намоён булади. Бу ҳолда унинг вазифаси, мазмуни ҳамда юритиш тартиби давлат томонидан аникланади. Давлат қуйидагиларни белгилайди: ер ҳисоби информациялари ва уларни олиш усуллари, ҳисоб-китоб ва ҳисобот ҳужжатларининг шакли ва мазмунини, уни амалга оширувчи органлар ва одамларнинг ерларни ҳисоб қилишни юритиб боришни белгилайди.

Ҳисоб юртишнинг белгиланган тартиби мамлакатни барча ҳудудлари учун мажбурийдир. Давлат ҳисобининг объекти бўлиб давлат ягона ер фонди хизмат қилади.

Халк хужалигининг у ёки бу тармоги масалаларини муваффақиятли хал қилиш мақсадида ушбу тармок устидан раҳбарлик қиладиган идорага ушбу тармок корхоналари фойдаланаётган ерлари тўғрисида маълумотлар зарур. Масалан: урмон хужалиги корхоналари томонидан урмон хужалигини оқилона юритиш учун улар ихтиерида фойдаланиладиган, урмон билан қопланган ҳудуднинг ҳолати ва фойдаланиши тўғрисида аниқ маълумотлар зарур.

Шаҳар ҳокимияти ва уни органларига шаҳар чегарасидаги ерларнинг ҳолати ва ҳақиқий фойдаланиладиганлиги тўғрисида маълумотлар зарур. Шу сабабли ҳам ерларнинг давлат ҳисоби билан бир қаторда тармоқли ҳисобини юритишга ҳам зарурият туғилади. Унинг объекти бўлиб маълум бир вазирлик (идора) ихтиеридаги ерлар хизмат қилади. Ушбу ҳисоб турлари ўртасида маълум бир алоқа бўлиши зарур.

Тармок ҳисоби давлат ҳисобининг мазмуни ва талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. У уз таркибида ушбу тармок ишлаб чиқаришни буйича давлат ҳисоби учун зарур бўлган барча маълумотларни шунингдек аниқ бир тармок масалаларни хал қилиш учун зарур бўлган узига хос маълумотларни олади. Шунинг учун ҳам ерларнинг тармок ҳисобини

юритиш тартибини урнатишда ушбу масалалар ерларни давлат ҳисобини амалга ошириш функцияси юкланган органлар билан келишилган булади.

Ер ҳисоби давлат тадбири сифатида ер кадастрининг таркибий қисмидир. Ерларнинг давлат ҳисоби совет давлатининг биринчи кунадан бошлаб юритила бошланган, ҳамда у ерларни миқдор ва сифат ҳисобини узида жамлагани ҳолда маълум тизимни ташкил этади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан ерларнинг давлат ҳисоби тизими ҳам ривожланган ва такомиллашган. Унинг ривожланишдаги қонуний холи шундан иборатки, доимий равишда ер шароитлар, ердан фойдаланиш ва ер турлари майдонларини аниқлаш, аниқлиги ошаверган ерларнинг сифат тавсифи кенгая борган.

Ернинг мавжуд ҳолати ва фойдаланиши бўйича ҳисоб ишлари юқори сифатли план -харита материаллари асосида олиб борилади. Барча ер фонди маъмурий -ҳудудий бирликлар бўйича ҳисоб қилинади. Ер турларининг сифати, тупроқ катлами, тупроқнинг озуқа моддалари билан таъминланганлиги, рельефи, табиий ут ларнинг ҳолати, мелиоратив ҳолати ва бошқалар бўйича аниқланади. Ер ҳисоби ягона услубият бўйича аниқланади. Бу эса уз навбатида ҳисобга олинадиган ер тоифалари ва мамлакатнинг алоҳида минтақалари бўйича маълумотларни таккослашни таъминлайди. Шу мақсадларда ер ва ер турларининг ягона классификацияси ер ҳисоби информациясини олиш қайта ишлаш ва гуруҳлашнинг ягона тизими кулланилади.

Ер ҳисобининг объекти ягона давлат ер фонди бўлганлиги сабабли қимнинг ихтиерида булишидан, ушбу вақтда бу ер майдонлари фойдаланилаяптими ёки йўқми, булардан қатъий назар ушбу давлат ер фондига кирувчи барча ерлар ҳисоб қилинади. Бошқача қилиб айтганда, ягона давлат ер фондининг барча ерларини ҳисоб қамраб олиши керак. Бу эса умумий майдонни, уни таркиби ва ер тоифалари бўйича тақсимланишини тўғри аниқлаш имконини беради.

Ер ҳисобини тўғри ташкил этишнинг муҳим шarti - уни уз вақтида узлуксиз юритишдир. Бу эса ер ҳисоби маълумотларини шу давр талаби даражасида ушлаб туришга имкон беради. Бу принцип ернинг ҳолатида ва фойдаланишида руй берадиган миқдорий ва сифат ўзгаришларни системали тарзда ҳисоб қилиб боришга зарурият тугдиради. Ерларни ҳисоб қилишда барча ўзгаришлар авваламбор натурда (жойда) қайт қилингандан сунггина аниклаш ва қайд қилиш зарур. Ер ҳисоби маълумотларини фақатгина текст ҳужжатларида қайд қилибгина қолмайдан балки план-харита материалларида ҳам еритиш зарур. Сонли информацияларни турли графиклар тарзида (графиклар, диаграммалар) курсатиш зарур. Ер ҳисоби ва ер ҳисоботи ҳужжатларми ўртасидаги мантикий жихатдан доимий боғлиқлик бўлиши керак.

Ер ҳисобини ўтказишда имкони борича камроқ харажат талаб қиладиган маълумотларни олиш ва қайта ишлаш усуллари ва техник воситаларидан фойдаланиш зарур. Компьютерларни ва тасвирга олиш ҳамда кузатувчининг анча такомиллашган усуллари қуллаш мамлакат ер фонди ҳисобини тўғри ва уз вақтида амалга оширишга имкон беради. Бу эса уз навбатида давлат ер кадастрини муваффақиятли юритишга замин бўлади.

Ерларни инвентаризация (йўқлама) қилиш ер ҳисобининг таркибий қисми сифатида мавжуд бўлиб, тезкор ҳисоб тадбиридир. Бу иш жойидаги ва кадастр ҳужжатларидаги мавжуд маълумотларни бир-бирларига мос келишини аниклаш мақсадида, заруриятга қараб ўтказилади. бунинг натижасида олинган кадастр маълумотлари биринчи навбатда ҳисоб маълумотларига туширилади. Ерларнинг йўқлама ишларини ўтказишда амалиётда мавжуд бўлган план-харита ва бошқа материаллардан фойдаланилади. Маълумотларни жойга мос келишини аниклаш ерларнинг кузатувида амалга оширилади. Бунда махсус равишда тасвирга олиш, қоидага биноан ўтказилмайди.

2.2. ЕР ҲИСОБИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ЎТКАЗИШ УСУЛЛАРИ.

Ер ҳисоби ишлари уз вазифасига, мазмунига ва хусусиятига караб ер кадастри сингари асосий (бирламчи) ва жорий (кундалик) турларга булинади. Иккала ҳисоб турлари узаро боғлиқдир, ҳамда ягона ер ҳисоби жарайонининг маълум босқичларини намоён қилади.

Асосий ҳисобнинг вазифалари қуйидагилар:

1) ҳисоб қилинадиган ҳудуд учун барча мавжуд план-харита материалларини олиш, тизимга солиш ва тахлил қилиш;

2) зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва план-харита материалларини олиш мақсадида тасвирга олиш ҳамда кузатув бўйича дала кидирув ишларини ўтказиш;

3) ҳисоб қилинадиган барча ерлар ўлчамларини, сифат ҳолатини, тақсимланишни ва фойдланиш ҳолатини аниқлаш;

4) махсус ер ҳисоби планларини тайёрлаш ва ер ҳисоби текст ҳужжатларига бирламчи езувларни тушириш;

5) ер фонди таркибини ер тоифалари, ер эгаликлари, ердан фойдланишлар ер турлари бўйича аниқлаш ва маъмурий бирликлар (туман, вилоят, республика) сифат жихатдан тавсифлаш.

Бирламчи ҳисоб тасвирга олиш ва кузатув планлар тузиш майдонларни ҳисоблаш билан боғлиқ. Ҳисоб қилинаётган ерларнинг миқдори ва сифати тўғрисида тула ҳар томонлама маълумотлар олиш учун юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади. У қуйидаги иш босқичларини уз ичига олади: тайёргарлик, дала, ҳисоб натижаларини расмийлаштириш. Тайёргарлик ишлари жарайонида ҳисоб қилинадиган ҳудуддаги барча ерларнинг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотларни уз ичига оладиган барча мавжуд материаллар ва ҳужжатлар тупланади. Тупланган материаллар уз моҳиятига караб гуруҳланади, ер ҳисоби учун яроклилиги нуқтаи назаридан тахлил қилинади ва баҳоланади. План-харита

материалларини хўжаликлараро ва ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари, маълумотлоарир, ер эгалиги (ердан фойдаланиш) ни руйхат қилиш хужжатлари тупланади ва ўрганилади. Шундан сунг олинадиган материалларнинг сифати ва аниклигига караб ҳисоб учун улардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисидаги масала зхал қилинади. Агарда материаллар эскирга булса, жойдаги ҳолатни еритмаса, бундай ҳолатда - планхариталарни таҳрир қилиш ёки янгидан тасвирга олиш ва кузатув ишлари буйича ишлар белгиланади, яъни янги босқич ишларига дастур аникланади.

Дала-кидирув ишлари ассон натурада, яъни жойда зарурий ер ҳисоби маълумотларини белгилаш буйича махсус ишларни уз ичига олади. Буларга, тасвирга олиш, кузатув, мавжуд план-харита материалларни таҳрир қилиш киради.

Дала ишларини ўтказгандан сунг махсус талбирлар-тупроқ анализи, ер ҳисоби маълумотларини расмийлаштириш, майдонларни ўлчаш ва боғлаш, махсус ҳисоб-план хужжатларини тузиш амалга оширилади. Шундай тарзда олинган маълумотлар белгиланган тартибда куриб чиқилади ва тасдиқланади. Шундан сунггина унинг бирламчи маълумотлар сифатида кабал қилинади ва текст хужжатларига езилади.

Бирламчи ҳисобни ўтказиш пайтида аникланган ва кайд қилинган маълумотлар вақт утиши билан хакикий ҳолатга мос келмай қолади. Бу ҳол шу билан тушунтирилидаки, ерлардан хўжалик фаолияти жарайонида фойдланиш натижасида улар таркибида ва таксимланишда маълум ўзгаришлар содир булади. Масалан, охирги йилларда давлат ва жамоат мақсадлари учун хар йили неча ун минг гектар ер ажратилади. Ер майдонларида турли хил агротехник ва мелиоратив тадбирларнинг муваффақиятли олиб борилиши натижасида ер турларининг сифат ҳолати ўзгаради. Хатто томорка ерларида ҳам катта аникликлар ўтказилиши талаб қилинади.

Шунинг учун ҳам ер кадастри хужжатларига туширилган бошлангич маълумотлар эскиради, натижада уларни системали тарзда янгилаб туриш зарур бўлади. Бу эа жорий ҳисоб асосида амалга оширилади. Жорий ҳисобнинг вазифасига қуйидагилар киради: биринчидан, ерларнинг миқдори, сифати тақсимланмишида юз берган ўзгаришларни аниклаш билан чекланиб қолмасдан, шу билан бирга, ушбу ўзгаришларнинг қонунийлигини ҳам аниклаш зарур. Жорий ҳисоб ишлари мазмунининг фарқи шундан иборатки, уни ўтказишда асосий ҳисоб материалларидан фойдаланилади ва фақатгина ернинг ҳолати ҳамда фойдаланишдаги ўзгаришларигина ўлчанади.

Бунда қайтадан тасвирга олиш ишлари бажарилмайди ва план-харита материаллари тайёрланмайди. Шундай қилиб, жорий ҳисоб бирламчи ҳисобдан иш ҳажми ва характери бўйича фарқ қилади. Уш характери бўйича юз берадиган ўзгаришлар қуйидаги турларда бўлиши мумкин: ер турларининг трансформацияси (бир турдан иккинчисига ўтиши) натижасида ер турларининг майдонларида; тупроқларнинг сифат ҳолатларида; ер ажратиб олиш ва ер ажратиб бериш натижасида ер эгаликлари (ердан фойдаланишлар) ва бошқа ҳисоб бирликлари ўлчамларида: ер эгаликлари (ердан фойдаланишлар) алоҳида тоифалари ер майдонларида; асосий ер тоифалари майдонларида; маъмурий бирликлар ҳудудининг майдонларида.

Асосий ва жорий ҳисоблар ўртасида алоқа мавжуд. Биринчиси иккинчисини ўтказишга замин яратади, унинг таъсир доирасини аниқлайди; иккинчиси эса биринчисининг маълумотларини талаб даражасида тутиб туради. Бирламчи ва жорий ҳисобларда миқдор курсаткичлар билан бир қаторда сифат курсаткичлар ҳам еритилади.

Ер ҳисобини тўғри йўлга қуйишда тасвирга олиш катта аҳамият касб этади. Фақат тасвирга олиш ва шу асосда олинган хариталардан фойдаланиш асосида мамлакат ер фондини мумкин қадар тўғри ҳисоб қилишга имкон беради. Тасвирга олиш материаллари ер эгаликлари (ердан фойдаланишлар)

майдонлари, ер турларининг таркиби тўғрисидаги аниқ маълумотлар олиш имконини беради. Бу маълумотлар ерларни сифатини ҳисоб қилиш учун зарурдир.

Тасвирга олиш асосан ер устида ва аэрофототасвирга олишга булинади. Хозирги пайтда аэрофототасвирга олиш ерларни давлат ҳисобида тасвирга олишнинг асосий туридир. У мамлакат ер фондини, жумладан, ҳар бир ер эгалиги (ердан фойдаланишлар) ерларнинг ҳолати ва фойдланиш ўлчамлари тўғрисидаги тез ва нисбатан арзон зарурий маълумотлар олишга имкон беради. Унинг маълумотлари ва ердан фойдаланишни ҳисобга олиш учун зарур бўлган жойнинг элементлари ер устида тасвирга олишга нисбатан купрок еритилади. Масалан, аэрофототасвир материалларида фақатгина ер турларининг чегаралари, эрозиянинг ривожланиш даражаси ва бошқалар ҳам кайд қилинади. Аэрофототасвирлар айникса кичик-кичик ер участкаларига эга бўлган томорка ерларини ҳисоб қилишда жуда қимматдир. Ушбу материаллар асосида ер ҳисобини ҳозирги давр талаби даражасида ушлаб туриш мумкин. Кейинги йилларда ер ҳисобига фазодан тасвирга олиш материаллари ҳам кириб келмокдаки, бу яқин истикболда муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлардан бирига айланади.

Ҳисоб маълумотларини олишнинг жуда муҳим усулларида бири бу кузатувдир. Давлат ер ҳисобида ўтказиладиган кузатув ишининг вазифасига асосан ер турларининг ҳақиқий ҳолатини ва фойдаланишни аниқлаш, шунингдек, уларни кишлок хужалигида имкон борича жадал фойдаланиш имкониятларини аниқлашдир. Кузатувлар асосан икки турга булинади: махсус ва агрохўжалик. Махсус кузатувларга тупроқ, геоботаник ва мелиоратив кузатулари киради. Агрохўжалик кузатувида жойида ҳар бир контур ва ер турининг ташки белгилари ва ҳолати буйича унинг сифати ҳамда келгусида имкон борича оқилона фойдаланиш йуллари аниқланади.

Бирламчи маълумотлар олиш ва ердан фойдланишни назорат қилиш учун экин майдонлари ва томорка ерларини обмер (улчов) ишлари

ўтказилади. Улчов асосан ёппасига ва танланган турларга булинади. Ёппасига улчовда барча майдонлар камраб олинади, танланганда эса худуднинг бир қисмигина ўлчанади.

2.3. МАССИВДАГИ ЕР ЭГАЛИКЛАРИ ВА ЕРДАН ФЙДАЛАНУВЧИЛАР ЕРЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

Массивда олиб борилган ер ҳисоби натижаларига кўра массивнинг умумий ер майдони 5378 гектарни ташкил қилади. Ўз навбатида ушбу майдон қуйидаги ер турлари ва тоифалари бўйича булинади:

- Суғориладиган экин ери – 1 691 гектар;
- Боғлар – 53 гектар;
- Узумзорлар – 27 гектар;
- Тутзорлар – 44 гектар;
- Томорқа ерлари(аҳоли яшаш уйлари билан бирга) – 2480 гектар;
- Ўрмон фонди ерлари – 5 гектар;
- Сув остидаги ерлар(ариқлар, зовурлар ва бошқалар) – 258 гектар;
- Бошқа ерлар – 304 гектар.

Суғориладиган майдонлар уз навбатида массивдаги 22 та фермер хўжалигига фойдаланиш учун берилган. Фермер хўжаликларининг ерларидаги экин турларининг жойлашиши ҳисоби олиб борилганда қуйидагилар маълум бўлди. Ерларни руйхат қилиш ер кадастрининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади бу маъдум бир ер участкасига мулкдорлик, эгалик қилиш ёки фойдланиш ҳукукини расмийлаштириш ва давлат микесиди қабул қилинган ягона шаклдаги ҳужжатларда акс эттириш бўйича ҳукукий тадбирдир. У ер қонунларида қузда тутилган қоллардан ташқари ерга давлат мулкчилигини таъминлайди ва ерларни муҳофаза қилишга йуналтирилган.

Ер руйхати маълумотлари ҳукукий қучга эга. Албатта ер эгаликлари ва

ердан фойдаланувчиларни руйхат қилиш ишчи тизим сифатида бирдагига шаклланмаган. У олдинги Совет давлатининг биринчи даврларидек ўтказилган ҳамда бошлангич вақтдан ерлардан фойдаланиш ҳукукини расмийлаштириш ҳамда ерга давлат мулкчилигини таъминлашга йуналтирилган. Шу билан бирга унинг вазифасига ерларнинг ҳукукий ва хўжалик ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни туплаш, системали тарзда сақлаш ва янгилаб туриш кирган.

Ерга эгалик қилиш ердан фойдаланишни руйхат қилиш ер ҳисоби билан узвий боғланган ҳолда олиб борилади.

Ерга эгалик қилиш (ердан фойдаланиш)ни руйхат қилиш маълум бир ер участкасига эгалик қилиш (ер участкаларидан фойдаланиш) ҳукукини расмийлаштириш ва ер эгалиги (ердан фойдаланиш) тўғрисидаги маълумотларни қабул қилинган ҳужжатларда кайд қилиш билан боғлиқ масалаларни уз ичига олади. У биринчи навбатда ерларнинг ҳукукий ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Аммо ердан фойдаланиш маълум бир мақсадга йуналтирилганлиги ҳамда маълум ҳудуд ва аниқ субъект билан боғлиқ бўлганлиги сабабли у уз ичига ер участкаларининг хўжалик ҳолати, жойлашган урни ва ер эгалиги (ердан фойдаланиш)нинг ўлчамлари тўғрисидаги маълумотларини ҳам олади.

Ер участкасини ер эгалиги (ердан фойдаланувчига) бериш тўғрисидаги ваколатли давлат органларининг қарори ҳамда ер тузиш лойиҳасини жойга қучириш ва участка чегараларини жойда маҳкамлаш тўғрисидаги қарорнома ер эгалиги (ердан фойдаланувчи)ни руйхат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Давлат руйхатида расмийлаштирилганидан сунг ер эгаси (ердан фойдаланувчи)га ерга эгалик қилиш (ердан фойдаланиш) ҳукукини берувчи ҳужжат топширилади.

Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш ер ажратиш тарикасида амалга оширилади. Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар,

шахарлар ҳокимлари томонидан конун ҳужжатларида беггилаб қуйилган тартибда амалга оширилади. Эғаликдаги ёки фойдланишдаги ер участкасини бошқа шахсларга бериш шу участка белгиланган тартибда олиб қуйилганидан кейингина амалга оширилади.

Саноат корхоналари темир йуллар ва автомобил йуллари, алоқа ва электр узатиш линиялари, магистрал кувурлар қуриш учун, шунингдек, кишлоқ хужалиги билан боғлиқ булмаган бошқа эҳтиёжлар учун кишлоқ хужалигига мулжалланмаган ёки кишлоқ хужалиги учун яроксиз бўлган ерлар ехуд кишлоқ хужалигининг сифати емон бўлган ерлари берилади. Мазкур мақсадлар учун урмон фондига қарашли ерлардан ер участкалари асосан урмон билан копланмаган майдонлар ёки бутазорлар ва арзон баҳо усимликлар билан копланган майдонлар ҳисобидан берилади.

Ер эғасига (ердан фойдаланувчига) фойдаланишга битта ёки алоҳида жойлашган ер участкалари берилиши мумкин. Бунда биринчи ҳолатда ҳам иккинчи ҳолатда ҳам барча ерлар яхлит ердан фойдаланишни ташкил этади, негаки ердан фойдаланиш битта субъектдан иборат. У ушбу барча ҳудуддан фойдаланиш бўйича маълум ҳуқук ва мажбуриятларга эга. Ер эғалиги (ердан фойдаланиш) руйхат қилинади, ҳамда у ер руйхати бирлигининг асосини ташкил этади. У эғалик қилиш (фойдаланиш) ҳуқуқининг объекти сифатида ва хўжалик объекти сифатида ёки ер эғалиги (ердан фойдаланувчи)нинг узга фаолияти сифатида гавдаланади ҳамда маълум аникликдаги жойлашган урни ва ўлчамлари билан характерланади.

Ер эғалиги (ердан фойдаланувчи) давлат томонидан ерга эғалик қилиш (фойдланиш) ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат олади. Ерлардан фойдаланиш турларига қараб ҳуқуқий расмийлаштириш ҳужжатлари ҳамда ердан фойдаланишларни руйхат қилиш тартиби турлича бўлиши мумкин.

Ердан фойдланиш бирламчи ва икқиламчи бўлиши мумкин. Агарда ерга эғалик қилиш (фойдаланиш)га давлат органлари томонидан берилган бўлса, бунда ердан фойдланиш бирламчи ҳисобланади. Конунда белгиланган

тартибда ердан фойдланувчилар узларига бириктирилган ер участкаларидан бошка ердан фойдаланувчилар (колхозчилар,хизматчилар, ишчилар) га беришлари мумкин. Бундай ердан фойдаланиш икқиламчи ҳисобланади. У колхозчилар умумий мажлиси ёки колхозчилар вақилларининг мажлис қарорига асосан, бошка ердан фойдланувчи ерлардан- улар маъмуриятларининг қарорига асосан ажратилади. Корхона муассаса ва ташкилотларга вақтинчалик фойдаланишга ер участкалари бирламчи ердан фойдаланувчининг розилиги билан "Ер кодекси"да курсатилган тартибда ажратилади.

Ерга эгалик қилиш (ердан фойдаланиш)ни руйхат қилиш ерлардан фойдланиш муддатлари буйича амалга оширилади: муддатсиз ва вақтинчалик (узок муддатли ва киска муддатли). Муддати олдиндан белгиланмаган фойдаланиш муддатсиз ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, у доимий ердан фойдаланишдир.Бундай ердан фойдланишларга туман ҳокимиятлари томонидан ерлардан доимий фойдланиш ҳукукини берувчи Давлат далолатномалари берилади.

Ердан муддатли фойдаланиш кискача муддатли - учйилгача ва узок муддатли - уч йилдан ун йилгача булиши мумкин. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари талаб қилган ҳолларда бу муддатлар вақтинча фойдланиш муддатларидан ортиқ булмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ер участкаларидан фойдаланиш муддатларини узайтиришана шу участкаларни берган органлартомнидан амалга оширилади.

Яйлов чорвачилиги учун ер участкалари кишлок хужалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига йигирма беш йилгачамуддатга берилиши мумкин.

Ер эгалиги (ердан фойдланиш) давлат руйхатини амалгаошириш ердан фойдланиш тоифалари буйича белгиланган тартибда туман ва шаҳар ҳокимиятларида амалга оширилади. Хар бир ердан фойдланиш буйича муддатсиз, узок муддатли ва киска муддатли ерлар алохида-алохида руйхат

қилинади. Асосий ер руйхати маълумотлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин: ердан фойдланиш ва ердан фойдаланувчиларнинг номи, фойдланиш тури, жойлашган урни, фойдаланиш муддати, ер майдони ва ердан фойдланиш ҳукукини берувчи ҳужжатнинг номи, унинг тартиб раками ҳамда ердан фойдаланувчига берилган вақти. Ердан фойдланишнинг давлат руйхати туман (шаҳар) Давлат ер кадастри дафтарининг биринчи булимида амалга оширилади.

Ер руйхати маълумотлари туманнинг ва алоҳида ердан фойдаланувчиларнинг бошқа кадастр ҳужжатларида ҳам қайд қилинади. Масалан, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ер кадастр китобининг биринчи булимида туман (шаҳар) Давлат ер кадастр дафтарининг биринчи булимида қайд қилинган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг асосий ер руйхати маълумотлари келтирилади. Китобнинг бешинчи булимида томорка ерларининг майдонлари қайд қилинади. Улар тўғрисида маълумотлар кишлоқ оксоколлар. Кенгашида юритиладиган Хўжалик китобида ҳам қайд қилинади.

Ер эгалиги (ердан фойдаланиш)ни руйхат қилиш асосий (бирламчи) ва жорий (қундалик) турларга булинади. Бирламчи руйхат қилишда янги ер эгаликлари (ердан фойдаланиш) ни расмийлаштириш, ер руйхати ҳужжатларига зарур маълумотларни тушириш ва тизимга келтириш бўйича ишлар амалга оширилади. Уни ўтказиш жарайонида ердан фойдаланиш тўғрисида бирламчи езув туширилади. Кейинчалик, хўжалик ривожланиши ва ердан фойдаланишнинг ўлчамлари ва таркибида у ёки бу қурулишдаги қонуний ўзгаришлар бўлади, яъни ерларнинг ҳукукий ҳолатини аниқлашга зарурат туғилади. Масалан, давлат ва жамоат заруриятлари учун ер ажаратилиши натижасида ердан фойдланишнинг умумий ер майдони, алоҳида ердан фойдаланиш турларининг майдонлари ўзгаради. Бундай ҳол айниқса ердан вақтинчалик фойдаланишда қўп учрайди. Баъзи ҳолларда эса аксинча, ердан фойдаланувчига олдин ундан олинган ер участкаси қайтариб

берилади, негаки, энди олдин ажратиб берилган мақсадлар учун ердан фойдаланишга эҳтиёж қолмаган. Бундан бошқа ҳам катор қонуний сабаблар бўлиши мумкин.

Ердан фойдаланишдаги бундай барча қонуний ўзгаришларни расмийлаштириш ва ушбу ўзгаришларга ҳамда бирламчи маълумотларига ва ҳужжатларга зарурий аниқликлар киритиш ердан фойдаланишнинг жорий руҳияти тартибида амалга оширилади. Шу тарзда ер руҳияти маълумотлари доимий равишда шу кун талаби даражасида ушлаб турилади.

2.4. ЕР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Албатта ҳар қандай ишни бажаришда, ишнинг хусусиятидан қатий назар меҳнат муҳофазасига амал қилиш зарур.

Ер ҳисобини юритиш ишларида ҳам меҳнат муҳофазасига амал қилиш энг асосий талаблардан биридир. Чунки инсоннинг ҳаётига хавф солувчи ҳолатларни олдини олиш, сабабларини ўрганиш ва тегишли чоратадбирларишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бизга маълумки, ер баҳолаш ишларини ўтказиш жарайонида кадастр мутахассислари турли хил геодезик асбоблардан фойдаланадилар. Бундан ташқари ер ҳисобини юритишнинг таркибий қисми ҳисобланган ҳудуд тафсилотларини жойнинг ўзида бориб ўрганишда бевосита транспорт воситалардан фойдаланадилар. Шу жарайонларда кадастр мутахассислари меҳнатни муҳофазасини таъминлаш мақсадида қуйидагиларга риоя қилишлари шарт:

- Электрли геодезик асбоблардан фойдаланганда, уларнинг созлигини ва ҳавфсизлигини текшириш ва шундан кейингина ишлатиш.
- Тафсилоти ўрганилаётган ҳудудда юқори кучланишли электр линиялари ўтган бўлса, ҳимоя зоналарини сақлаган ҳолда ишлаш;
- Жойларга боришда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш.

- Бажариладиган ишнинг хусусиятидан ва иш жарайонида келиб чиқадиган ҳаёт учун хавфли вазиятларда меҳнат муҳофазасига риоя қилиш.

III. БОБ. МАССИВДА ЕР БАҲОЛАШ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ.

3.1. МАССИВДА ТАРҚАЛГАН ЕР ТУРЛАРИ ВА ТУПРОҚ ХИЛЛАРИ ТАВСИФИ

Массивда тарқалган ер турлари ва тупроқ хиллари таркибини аниқлаш энг муҳим масалалардан биридир. Сабаби массив ерларидаги тупроқларнинг тарқалиши ва уларнинг ички хусусиятларини билмай туриб массивда мелиоратив тадбирларни қўллаш ва ерларни баҳолаш ишларини ўтказиш мумкин эмас. Бундан энг асосий мақсад массивдаги ҳар хил тупроқларнинг унумдорлигини ва кишлок хўжалик усимликларнинг ҳосилдорлигини купайтиришдир. Бунда асосан “Ўздаверлойиҳа ” институти ва унинг ҳудудий филиал ва бошқармалари томонидан тайёрланган материалларга таяниб иш олиб борилади. Бу материалларага қуйидагилар киради: тупроқ бонитировка картаси, шўр тупроқлар картограммалари, тупроқ “Экспликация”си ва бошқа материаллар. Тупроқлар банитровкаси картасида тупроқларнинг, типлари, типчалари, гуруҳларини курсатиш билан бир каторда турли далада ҳар хил тупроқлар ҳосилдорлигини ҳам аниқ курсатилади. Бу маълумотлар массив фермерлари, деҳқонлари, аграномлари, раҳбарлари учун аниқ ер тупроқ тузилишини ва ундан оқилона фойдаланишни курсатади ва қуйидаги амалий ишларда кулланилади.

- Тупроқларга ишлов бериш
- Уғитлаш.
- Суғориш ва шўрланишни ювиш.
- Сув ва шамол эрозиясига қарши курашиш.
- Сизот сувларининг сатхини ва минерализациясини пасайтириш.
- Алмашлаб экишни жорий қилиш.
- Ихота дарахтзорларни ташкил қилиш.

- Ерларни нархини аниқдаш, баҳолаш ва хоказо.

Массивларда экиладиган ерларнинг тупроқ картаси одатда 1:1000 масштабда тузилади. Тупроқлар картасида акс этирган тупроқлар типлари, типчалари, гурухлари, турлари ҳар хил рангларда ва шартли белгилар оркали ифодаланиб, улар бир-биридан ажралиб туради ва объектив ҳолда тупроқлар копланилиб, ўзгаришини тасвирлайди. Ундан ташқари тупроқ картасида ҳар бир тупроқ контури алоҳида шартли саналар билан ҳам акс қилинади. Бу ажратилган тупроқлар контурлари тартиб номери оркали тупроқлар картасида жадвал сингари ёки экспликация сифатида курсатилади. Бу экспликацияда ҳар бир ажратилган тупроқлар гурухларига алоҳида, қисқача маълумот берилади.

Бизга маълумки массивда тарқалган ер турлари гурухлари ва тупроқ хиллари массивнинг тупроқ экспликациясида келтирилади. (1-илова)

Экспликацияда ҳар бир ажратилган тупроқлар гурухларига алоҳида, қисқача маълумот берилади. Жумладан, экспликацияда қуйидаги маълумотлар, курсаткичлар ёки бошқача айтганда, картанинг мазмунини ташкил қилувчи тупроқ қопламининг бирликлари ўз аксини топади:

- Генетик типи, типчалари, гурухлари.
- Суғориладиган вақти.
- Маданийлаштирилган даражаси.
- Агроирригацион горизонтнинг калинлиги.
- Механик таркиби.
- Шўрланиш ва шўрхокланиш даражаси.
- Сизот сувларининг чуқурлиги ва минерализацияси.
- Қумлиги ва тошлокдиги.
- Эрозияга учраганлик даражаси.

Массивнинг тупроқлар экспликациясида келтириб ўтилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, массив морфологик жиҳатдан Зарафшон тупроқ иқлим округида жойлашганлиги ўз навбатида ушбу округ

4 қисмга бўлинганлиги кўрамиз.

Массивда тарқалган тупроқ хиллари ва уларнинг мелиоратив ҳолатларини, майдони ва шўрланиш даражалари бўйича таҳлил қилсак массивда қуйидаги асосий тупроқ гуруҳлари тарқалганини кўрамиз:

**Зарафшон даресининг Псохили усти террасаси катламли аллювиал
ёткизиклар. Суғориладиган утлоки тупроқлар.**

- Эскидан суғориладиган , ўрта маданийлашган ўрта қумоқли кам шўрланган тупроқлар – 134 га;
- Эскидан суғориладиган , ўрта маданийлашган, енгил қумоқли, ўрта шўрланган тупроқлар – 253 га;
- Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган, ўрта қумоқли, ўрта шўрланган тупроқлар – 303 га
- Эскидан суғориладиган, кам маданийлашган, енгил қумоқли, кучли шўрланган тупроқлар – 92 га
- Янги суғориладиган, ўрта маданийлашган, огир қумоқ, кам шўрланган тупроқлар – 25 га
- Янги суғориладиган, кам маданийлашган, огир қумоқ, ўрта шўрланаган тупроқлар – 23 га
- Янгидан узлаштирилган, енгил қумоқли, кам шўрланган тупроқлар – 27 га
- Янгидан узлаштирилган, енгил қумоқли, кучли шўрланган тупроқлар – 124 га

**Зарафшон даресининг 1-сохил усти террасаси. Катламли аллювиал
ёткизикларнинг Суғориладиган утлоки тупроқлар.**

- Эскидан суғориладиган , ўрта маданийлашган, ўрта қумоқли, кам шўрланган тупроқлар – 13 га
- Эскидан суғориладиган кам маданийлашган, ўрта қумоқли, ўрта шўрланган тупроқлар – 17 га

- Янги суғориладиган ўрта маданийлашган, ўрта қумоқли, ўрта шўрланган тупроқлар – 162 га
- Янги суғориладиган кам маданийлашган, енгил қумоқли, кучли шўрланган тупроқлар – 20 га

Субтропик чул зонаси. Марказий Осиё провинцияси аллювиал ётқизикли Зарафшон дарёси дельтаси. Суғориладиган утлоки тупроқлар.

- Янги суғориладиган кам маданийлашган, кумли, ўрта шўрланган тупроқлар – 64 га
- Янги суғориладиган кам маданийлашган, кумли, кучли шўрланган тупроқлар – 114 га

Суғориладиган тақир-утлоки тупроқ

- Янги суғориладиган кам маданийлашган, ўрта қумоқли, кучли шўрланган тупроқлар – 186 га

Бу курсаткичлар ҳар бир тупроқ гуруҳларига мос бўлган мазмуни, шу тупроқларга ҳос белгиларини, хоссаларини ва хусусиятларини миқдор ва сифат томонидан тасвирлайди. Ажратилган тупроқнинг турига қараб унинг таркибидаги, гумус азот, фосфор, калий миқдори, механик таркиби (кумли, созли, лойли) шўрланиш даражаси (кам, ўрта, кучли) қабил курсаткичлар орқали тупроқларнинг эффектив ҳосилдорлиги аниқланади. Тупроқлар картасида акс эттирилган тупроқлар гуруҳини бир-биридан фарқ қилинишини масалан, таққослаш (географик тақдослаш) услуби орқали курсатиш мумкин. Масалан таққослаш учун буз тупроқлар зонасидаги утлоки - аллювиал тупроқларни оламиз.

Бу тупроқтш гумус миқдори 1,0 - 1,5 сизот сувининг сатҳи ер юзасидан 1,5 - 2,0 м чуқурликда бўлганлиги туфайли тупроқнинг намлиги уларнинг генетик горизонтларида жуда юқори миқдорда бўлади. Чўл зонасидаги суғориладиган тупроқларда гумус кам (0,2 - 0,3%) механик таркиби оғир қумоқли, лойли шўрланиши даражаси эса кучли. Демак бу тупроқлар узаро

факт генетик томонидан эмас, балки озука моддалар билан таъминланиши жихатдан ҳам бир-биридан фарк қилади. Тупроқлар картасида ундан ташкари кадимдан суғориладиган ва янгидан суғориладиган тупроқлар типчалари алохида ранг, шартли белги ва саналар раками билан акс қилинган.

Янгидан суғориладиган тупроқларга 40 - 50 йил мобайнида узлаштирилганлар кирса, суғориладиган тупроқларга 100 йил давомида суғориладиган ва кадимдан суғориладиган тупроқларга 100 йилдан ортиқ суғориладиган тупроқлар гуруҳи киради. Тупроқ карталардан фойдаланиши ҳар хил йуналишда бўлади. Масалан тупроқлар картасида тупроқларнинг механик таркиби 3 та горизонтларда белгиланади. 0 - 30, 30 - 100, 100 - 200 см ва амалий ишларда шулардан кенг фойдаланилади. Суғориладиган тупроқларнинг 0 - 30 см катламнинг механик таркиби тупроқларни ишлов беришда, иқтисодий баҳосини аниқлашда, техник курулларнинг солиштирма қаршилигининг технологик картасини тузишда, ерларни ҳайдаш нормасини аниқлашда, ёқилгининг сарфини ҳисоблашда ва бошқа амалий ишларда кенг фойдаланилади. Тупроқ шўрланиш даражаси, тузлар миқдори ва таркиби сифати мелиоратив тадбирларни ўтказишда зовур билан таъминланган коэффициентни аниқлашда ва шўр ювиш нормасини ҳисоблашда ҳар хил нотёқис микро ва мезо рельефни алохида белгилар билан акс эттириш, курсатиш, ишлаб чиқишда уларга қарши турли чора тадбирларни куллашда катта аҳдмиятга эгадир.

3.2. ТУПРОҚ БОНИТИРОВКАСИ

Тупроқ бонитировкаси деб, дехкончилик самарадорлиги ва агротехникасининг тенглаштирилган даражасидаги тупроқ унумдорлиги бўйича сифатининг таккосланган баҳосига айтилади.

Тупроқнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган объектив

белгилари ҳамда хусусиятлари асосида аникланади.

Бонитировканинг асосий мақсади тупроқнинг унумдорлиги буйича нисбий афзаллигини аниклашдан, яъни узининг табиий ҳамда барқарор хусусиятлари буйича бир тупроқнинг иккинчисидан неча марта яхши ёки емонлигини курсатишдан иборат. Бонитировканинг объекти бўлиб, батафсил тупроқ кузатувлари материаллари буйича аникланган, катъиш таксономик бирликларда ифодаланган тупроқ хиллари хизмат қилади.

Тупроқ бонитировкасининг мезони қилиб ишлаб чиқариш натижаларига таъсир қилувчи тупроқларнинг табиий диагностик ва узок маданийлашган жарайонида олган белгилари қабул қилинган.

Бу эса кишлок хўжалик экинлари ҳосилдорлигига юқори таъсир қилувчи тупроқнинг табиий диагностик белгилари бонитировканинг мезони қилиб олинишини билдиради. Ўзбекистоннинг суғориладиган деҳқончилик районлари тупроқ бонитировкаси асоси қилиб В.В.Докучев ишлаб чиққан, кейинчалик издошлар томонидан жойдаги табиий шароитга мос келувчи, ривожлантирилган ҳамда такомиллашган принциплар қабул қилинган.

Тупроқ сифатини белгилайдиган унумдорликнинг асосий омил бўлган озука элементларининг миқдори, уларни маданий экинлар учун самарадорлик киймати, сув ҳамда иссиқлик режими, тупроқ бонитировкаси балларини аниклашга асос қилиб олинган.

Тупроқ сифатини баҳолашда тупроқ пайдо бўлиш жарайонидаги биоген элементлар - углерод, азот, фосфор ва калийнинг илдиз озиқланадиган зонада тупланишига ҳам катта аҳамият берилади.

Бу факторларнинг миқдор киймати бир метр қалинликдаги тупроқда ялпи чиринди, азот, фосфор ва калийнинг ҳаракатлантирувчи бирикмаларининг захирасини курсатади.

Ўзбекистоннинг суғориладиган зоналари тупроқларнинг чиринди ва озука элементлари миқдори шу тупроқларнинг генетик масбулиги ва механик таркиби, тупроқ пайдо бўлиш жинслари, тупроқ профили майда

донадор катламининг калинлиги, скелетлиги ва бошқа диагностик белгилари билан узаро узвий боғлиқдир.

Суғориладиган тупроқларда озука моддаларининг миқдори асосан суғориш даври ва маданийлашиш даражасига қараб аникланади.

Республикамизнинг деҳқончилик районларидаги тупроқларнинг сифати у ёки бу кишлок хўжалик экинларини устириш имкониятини аниқловчи агроиклим билан узвий боғлиқ қилиб белгиланган. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг суғориладиган тупроқлари бонитировкасини аниқлаш методикаси тупроқ экологик шароитлар асосида тузилган.

Суғориладиган тупроқлар бонитировкаси асосий кишлок хўжалик экини бўлган гузанининг талабларига биноан ишлаб чиқилган. Бунга асосан 100 баллик епик шкала қабул қилиниб, унумдор тупроқлар юқори балларда баҳоланган. Бу шкалани тузишда кишлок хўжалик корхоналари ерларининг агротупроқ, агрокимевий ва агрохўжалик кузатуви материалларидан, илгор хўжаликлар фаолиятини таҳлил қилиш, хилма хил тажрибаларининг натижаларида ҳамда суғориладиган деҳқончилик районларининг агроиклим шароитлари маълумотларидан фойдаланилган.

Ерларни баҳолашда тупроқнинг асосий хусусиятлари ва табиий шроитлари: генетик аломатлари, суғорила бошланган даврнинг узок - якинлиги, маданийлаштирилганлиги, агроиклим ресурслари билан таъминланганлиги, механик таркиби, тупроқ ҳосил қиладиган жинслар генезиси, тупроқ катламининг сизот сувлари ўтказувчанлиги, шўрланиш даражаси, эрозияга учраган-лиги, сертошлиги, гипслашгани ва ҳакозалар ҳисобга олинади

Суғориладиган тупроқларнинг бонитировка шкаласидаги сифат жиҳатидан баҳоси унинг генетик маслублиги, суғориш даври ва маданийлашганлик даражаларига нисбатан бионитет балларида акс эттирилган. Бу шкалада бундан ташқари тупроқнинг гуммус захираси ва уни усимлик озука элементлари билан таъминланганлиги, сингдириш сизими,

физик хусусиятлари ва биологик активлиги интеграл тарзда ҳисобга олинган.

Узлаштириш даврига караб суғориладиган тупроқларнинг хусусиятлари ҳам тубдан ўзгаради. Масалан, энг кадимдан суғорилиб келинаётган тупроқлар базис тупроқлари бўлиб, барча хусусиятлари буйича унумдор ҳисобланади.

Ўзбекистонда суғориладиган тупроқларнинг бонитировка шкаласи маданийлашган буйича суст, ўрта ва юкори маданийлашган турларга бўлинган. Чиринди захираси ва фосфор ҳаракатланувчи бирикмаларининг озлиги, биологик активликнинг сустлиги, тупроқнинг камрок маданийлашганлигидан далолат беради. Юкори даражада маданийлашган тупроқлар асосан юкори агротехника, системали тарзда юкори дозаларда минерал ва органик угитлардан фойдаланиш ҳамда шунга мос ҳолда азот ва фосфорнинг ҳаракатланувчи бирикмалари билан юкори даражада таъминланганлиги, шу тарика чиринди бойитилиши ҳамда юкори биологик активлиги шароитида шаклланади.

Тупроқ бонитировкасини ўтказишда ҳисобга олиниши зарур бўлган факторлар орасида иклим муҳим урин тутди. Ёўза сингари иссиқсевар экинлар учун энг зарур бўлган агроиклимий курсаткичлардан бири бўлиб термик ресурслар билан таъминланганлик ёки 10 с дан юкори бўлган фойдали хароратнинг йигиндиси ҳисобланади. Дарҳақиқат, тупроқнинг бионитети жойнинг кенглик зоналари ва баландлик погоналари буйича гузанинг термик ресурслар билан таъминланганлигига караб табакаланади. Иклим коэффиценти ёки бизнингча, биоиклим коэффиценти ҳисоблаш қуйидаги формула ердамида амалга оширилади:

$$B_k = \frac{\sum t_f}{\sum t_b}$$

бу ерда $\sum t_f$ - 10 С дан юкори бўлган ҳақиқий самарали харорат йигиндиси.

$\sum t_b$ - базавий самарали харорат йигиндиси (2450) Тупроқ унумдорлигини белгилайдиган комплекс хусусиятлар орасида унинг механик

таркиби ҳам муҳим урин эгаллайди. Енгил ва ўрта қумоқли тупроқлар унумдор тупроқлар каторига киради.

Улар ишлашга енгил бўлиб, яхши сув - физикавий хусусиятларга эга. Майда ва йирик тош аралашмалари суғориладиган тупроқларнинг сифатини пасайтиради, механизмлар билан ишлашни кийинлаштиради, тупроқнинг сув хусусиятларини емонлаштиради. Шунинг учун ҳам жойнинг дреналанганлиги ва шўрланганлик даражси буйича ҳар бир тупроқнинг бонитет баллари ҳам табакаланади.

Тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи омиллар каторига сув ҳамда шамолатасиридан емирилш (эрозия) ҳам киради. У нотёкис рельефи янги суғорилаётган майдонларда, юкори кияликларга эга бўлган тоғ енбагри тёкисликларида ҳамда кучли шамолат районларида енгил тупроқларда еркин намоеън номоеън булади. Бу минтакаларда тупроқ жинслари асосан лесс, пролювиал ва аллювиал пролювиал йигиндилардан ташкил топган.

Ювиладиган тупроқларнинг сифати нисбатан лессларда камрок пасаяди, негаки майдонларнинг тупроқ чуқур катламларида ҳам потенциал унумдорлик юкори булади. Ювиладиган тупроқларнинг пролювиал ва алювиал-пролювиал тупламларида майдонларнинг сифати камрок даражада пасайиши кузатилади.

Маълумки, охириги йилларда суғориш мақсадлари учун хилма-хил даражали гипсланган катта майдонлар узлаштирилди ва кишлок хўжалик оборотига киритилди. Гипс эса ернинг мелиоратив ҳолатини емонлаштиради ҳамда тупроқ унумдорлигини пасайтиради. Бонитет балларини аниқлашда бошқа курсаткичлар катори алоҳида тупроқ турларида гипс горизонтининг жойлашиши ва гипс микдорига нисбатан ҳам пасайтирувчи коэффициентлар кулланилади.

Конкрет тупроқнинг бонитет бали асосий хусусияти буйича тупроқ хилига берилган баллга хилма-хил тузатма коэффициентларини купайтириш йули билан аникланади, яъни:

$$B_k = B * K * K * K \dots K_n$$

Бу ерда: Б - асосий шкала бўйича тупроқнинг бонитет бали:

К К К ...К_n тузатма коэффициентлар.

Хар бир алохида олинган тупроқ хили бўйича бонитет балини ҳисоблагандан кейин шу маълумотларга асосан хўжалик бўйича умумий суғориладиган ерларнинг бонитет балларини ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун авваламбор, кишлок хўжалик ер турлари бўйича тупроқ хиллари майдонларини ҳисоблаш материаллари зарурдир. Суғориладиган ер бонитировка шкаласи генетик гуруҳ ва механик таркиби бўйича тузилган.

Суғориладиган ерлар бонитировкасининг базали шкаласи

1-жадвал

Тупроқни генетик группалари (типни намлаш намлаш қаторини номларини)	Механик таркиби.					
	қумли	қумоқ	Енгил қумоқ	ўрта қумоқ	Оғир қумоқ	созли
1	2	3	4	5	6	7
Бўз тупроқ минтақаси 1.1 Ирригацион автоморф суғориладиган тўқ бўз тупроқлар	-	-	90	100	90	80
Суғориладиган типик бўз тупроқ	-	-	90	100	90	80
Суғориладиган оч тусли бўз тупроқ	-	70	95	100	90	75
Воҳа бўз тупроқлари	-	-	90	100	90	-
1.2 ўтлоқ- бўз тупроқ ва бўз тупроқўтлоқ суғориладиган ўтлоқ	-	70	90	100	80	70
1.3 Ирригацион гидроморф суғори-ладиган тупроқлар	-	80	95	100	80	70
Ботқоқ ва ботқоқ ўтлоқи	-	90	100	95	75	65
Суғориладиган ботқоқ	-	75	80	75	65	60
ўтлоқи воҳа	-	75	95	100	85	60
Чўлзонаси ИИ.1 Ирригацион автоаморф	-	70	95	100	90	75

Суғориладиган сур- кўнғир						
Суғориладиган тақирсимон	-	75	95	100	90	70
Суғориладиган тақир	-	80	100	90	80	65
Суғориладиган чўл-кумлик	60	-	-	-	-	-
Чўл воҳаси	60	80	95	100	90	60
ИИ.2ўтувчи						
Суғориладиган сур кўнғир-ўтлоқи	60	70	85	100	90	70
Суғориладиган тақирли-ўтлоқи	-	-	80	100	85	65
Суғориладиган чўл ўтлоқ ва ўтлоқ чўл	60	80	100	85	75	65
ИИ.3 Ирригацион гидроморф	70	85	100	90	80	60
Суғориладиган ўтлоқ						
Суғориладиган ботқоқ-ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ	70	85	80	85	70	55
Суғориладиган ботқоқти	60	75	100	75	60	50
Ботқоқли воҳа	80	90		95	80	70

Хўжаликнинг суғориладиган экин майдонлари бонитет бали тупроқ катламини ташкил қилувчи хилма-хил тупроқ хиллари бонитет балларини ўртача келтирилган киймати тарикасида аникланади.

3.3. ЕРЛАРНИ БАҲОЛАШ

Ерларни баҳолаш ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда шу билан бирга халқ хужалигида фойдаланиладиган табиий ресурсларни умумий тарзда баҳолашнинг бир қисмидир. Бундай айникса кишлоқ хужалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ерларни баҳолаш катта аҳамиятга эга. У жойнинг минтакавий фарқини ҳисобга олиш ва таккослаш бўйича муҳим муаммолардан бири сифатида гавдаланади. Купчилик халқ хужалиги масалаларини, шунингдек, кишлоқ хўжалик корхоналари ички масалаларини, ерларнинг сифат ҳолатини чуқур ўрганмасдан ва уни қиёсий баҳоламасдан муваффақиятли ҳал қилиш мумкин эмас.

Баҳолаш муаммосини муваффақиятли ҳал қилиш энг аввало уни объекти ва субъектини тўғри белгилашдан иборат. Тупроқшунослик тадқиқотлари

ва еларни баҳолаш буйича адабиётларни ўрганиш шуни курсатадики, кенг маънода баҳолаш объекти сифатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий воситаси бўлган ерлар гавдаланади.

Ер - баҳолаш ишларини қуйидаги босқичларда ўтказиш белгиланган:

- тайёргарлик ишлари,
- ер майдонларини районлаштириш,
- тупроқларнинг агроишлаб чиқариш гуруҳларини аниқлаш,
- баҳолаш шкалаларини тузиш мақсадлари учун ҳосилдорлик ва харажатларнинг базис қийматларини ҳисоблаш,
- хўжаликларда ер баҳолаш ишларини ўтказиш,
- баҳолаш материалларини қараб чиқиш ҳамда тасдиқлаш,
- ер - баҳолаш ҳужжатларини майерлаш ва тарқатиш.

Ерларни баҳолашда аниқ ва таҳлилий натижалар олиш ҳамда баҳолаш ишларини қулайлаштириш мақсадида ерлар баҳолаш учун кадастр районларга ажратилади. Ерларни баҳолаш учун (кадастр) районларига ажратиш, Республика, вилоят ва туманларда шу жойларнинг тупроқлари, иқлими, технологияси ва бошқа фарқлари, шунингдек, хўжаликнинг ихтисослашганлиги ҳисобга олинган ҳолда мамлакатнинг умумий табиий қишлоқ хўжалик районларига ажратиш схемаси бўйича бажарилади. Умумий табиий қишлоқ хўжалик районларида ажратиш схемасига мос равишда Ўзбекистон Республикасининг кадастр районларга ажратилади.

Ерларни баҳолаш мақсадида табиий текислик провинциялар ва тоғли вилоятлар мамлакатининг умумий районлаштириш схемасига асосан табиий округ ва ер баҳолаш районларига ажратилади.

Табиий округлар асосан агроиклим, геоморфологияси ва тупроқ мелиоратив белгилари ўхшаш бўлгани учун ажратилади. Текислик провинцияси доирасида округларнинг характерли белгилари шулардан иборатки, қишлоқ хўжалик ер турларининг контурлари маълум миқдорини белгиловчи ва ернинг бошқа табиий технология хусусиятларини кўрсатувчи геоморфологик

шароитлари бир хиллигидир.

Ерни баҳолаш, кадастр районлари, вилоятлар ва республика тарихида табиий округларнинг бир қисмини ташкил қилади.

Унумдорлик бўйича баҳолаш тартибини такомиллаштириш, дала шароитида ўтказилган ва вегетатсион тажрибалар натижасида олинган маълумотларни умумлаштириш асосида айрим пасайтириш коэффициентларига ўзгартиришлар киритиш зарур, натижада литология билан она жинслар генезиси янада узвийроқ боғланади.

Унумдорлик бўйича баҳолаш - агротехника ва деҳқончиликни интенсивлашнинг ўртача даражасида тупроқ ҳамда унумдорлик хусусиятларига солиштирма баҳо бериш, демакдир. Бу иш тупроқнинг ҳам табиий, ҳам маъданийлаштириш натижасида вужудга келган хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. қишлоқ хўжалиги екинларининг ҳосилдорлик даражаси, ҳосил олиш учун зарур бўлган агротехник ва мелиоратив тадбирлар мажмуининг хусусияти ҳамда таркиби тупроқнинг ўзига хос бўлиб, шу томонларга бевосита боғлиқдир.

Унумдорлик бўйича баҳолаш муайян ердаги қишлоқ хўжалиги екинларининг талабларига ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерлари шароитида ғўзанинг талабларига ҳисобга олингани еътиборда тутилади. ғўзанинг талаблари ҳисобга олинган ҳолда аниқланган унумдорлик кўрсаткичлари (бонитетлар) пахта мажмуига кирувчи бошқа ҳамма екинлар (шоли, каноп ва кўп йиллик мевали дарахтлардан ташқари) еқиладиган, суғориладиган ерларни баҳолаш учун ҳам тури келади.

Ерларни баҳолашда тупроқнинг асосий хусусиятлари ва табиий шароитлари: генетик аломаллари, суғорила бошланган даврнинг узоқ - яқинлиги, маъданийлаштирилгани, агроиклим ресурслари билан таъминланганлиги, механик таркиби, тупроқ ҳосил қиладиган екиндор генезиси, тупроқ қатламини сизот сувлари ўтказувчанлиги, шўрланиш

даражаси, ерозияга учраган, сертошлиги, гипслашгани ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Генетик аломатлар, суғорила бошланганлигининг узоқлиги ва маъданийлаштирилгани - барча суғориладиган ерларни баҳолашда умумий мезон бўлиб ҳисобланади.

Суғориладиган зоналардаги шағалли тупроқлар асосан тоғ олди текислик ва водийларда учрайди. Ўзбекистонда бундай жойларга Маликчўл, Жиззах, Зарафшон ва қашқадарё воҳалари ҳамда Фарғона водийлари киради.

Шағалли тупроқлар ўзини кам чириндилчилиги билан структурасизлиги, ўсимлик озиқа элементларини камлиги, шунингдек намликни кам бўлиши ва уни узоқ ушлаб туролмаслиги билан ҳаракатланади. Шу билан бирга улар юқори сув ўтказувчанлик хусусиятига эга. Ундан ташқари шағалли тупроқ нисбатан тез кўриб қолади. Буларнинг ҳаммаси шағалли тупроқни кам унумдор бўлишига олиб келади.

Ерларни баҳолаш асосан тупроқларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб бажарилади. Бунда тупроқнинг ҳар бир хусусияти бўйича бонитировка коэффициентларидан фойдаланилади.

Маданий ўсимликлар учун тупроқни салбий таъсирини намоён бўлиши даражасига берилган бонитировка коэффициентлари

2-жадвал

Хусусиятларни намоён бўлиш даражаси.	Шўрлан иш	Ерозияла ниш	Шудгор қават склети.		
			тош	шағал тош	шағалўсимл ик илдизи
намоён бўлмаган	1,00	1,00	100	100	100
Кучсиз	0,85	0,95	0,90	0,90	0,95
ўртача	0,60	0,80	0,75	0,80	0,85
Кучли	0,40	0,70	0,60	0,65	0,70

жуда кучли	0,30	0,50	0,40	0,45	0,50
ювилиб тўланган	-	0,90	-	-	-

Чўл ва ярим чўл зонадаги суғориладиган ерларни таркибида чириндилар нисбати кам бўлишига қарамасдан, уни тупроқ ҳосил бўлиши жарайонига ерни унумдорлигини ошишига бўлган таъсири юқоридир. Чириндининг элементлар тупроқ жарайонларига, режимига ва тупроқни хусусиятларини шаклланишига бўлган таъсири ҳаммага маълум. Чириндилар юқори шимувчанлик хусусиятига ега бўлиб, ўзида катта миқдорида озика модда ва нам ушлаб қолади.

Ўзбекистонда кам чириндили ерларга минерал ўғитларни солиниши пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик екинларини ҳосилдорлигини сезиларли ошишига олиб келади.

Кейинги пайтда Республикада ернинг унумдорлигини пасайиб кетиришини ва қишлоқ хўжалик ўсимликларини ўсишини тўхташини тупроқда чиринди миқдори камайиши билан боғланмоқда. ҳар йили бир гектар пахта майдонидан 300-400 кг атрофида гумус камайиши аниқланган. Шунинг учун ғўза монокультурасида ерга органик ўғитларни солмаслиги суғориладиган ерларни ҳосилдорликни аста секин пасайиб кетишига олиб келади.

Структура зучлиги тупроқни муҳим агрофизик хусусиятидир. Шунини ҳисобига ҳосилдорлик ошириш тадбирларида бутун вегетацион даврда тупроқни оптимал структура зичлигини оптимал структура зичлигини ҳосил қилиш ва ушлаб туриш масалаларига катта аҳамият берилади. Тупроқни белгилаб берувчи фактор сифатида суғориладиган ерларда янада ҳам баландроқ бўлади. Маълумки суғориладиган ерларда спетсификатсияси, айниқса пахтачилик ва сабзавотчиликда ҳар бир суғоришдан кейин тупроқни юқори қаватини ишлов бериш зарурлигидан иборатдир. Пахтачиликда вегетатсия даврида 3-5 марта тупроқга ишлов берилади. Агар бунга

ҳайдашни, молалашни, бороналашни, пахтани ва кўсакни ва машинада теришни, дефолятсия ва ўсимликларини ядохимикатлари билан ишлов беришни машиналар орқали амалга оширилса, у ҳолда трактор бир мавсумда ҳар хил агрегатлар билан бир дала бўйлаб 8-10 марта, сабзавотчиликда еса ундан ҳам кўп ўтади. Диаметри 0,03 мм дан кичик бўлган ғовакларга микроорганизмлар кира олмайди. Тупроқ қаватида илдизни чегараланиб тарқалиши ўсимликларни озиқланиш майдонини камайишига олиб келади.

Бу еса уларни ривожланишига салбий таъсир етади. Натижада ҳосилдорлик камаяди. Шунинг учун суғориладиган ерларда тупроқни оптимал структура зичлигига катта аҳамият беради.

Бу маънода тупроқни 45-60 см. гача чуқур ҳайдашлар ёки 60-100 см гача юмшатишлар яхши эффект бериб, улар сув ва ҳаво режимини яхшиланишига биологик активликни кучайишига, режимини яхшиланишига биологик активликни кучайишига, озиқа элементларини мобиллигини биологик активликни кучайишига озиқа элементларини модиллигига олиб келади. Тупроқни зичлигини баҳолаш критерияси ғоваклиги бўлиб, қумоқ- созли тупроқ учун жами масса. Тупроқни зичлиги ва гумус миқдори бонитерофка коэффициенти 3, 4, жадвалларда келтирилган.

Шудгор қилинган қаватини гумус тотиши бўйича бонитировка коэффициенти

3-жадвал

Гумус миқдори % да	Бонитировка коэффициенти
1.00 гача	0,70
1,1-2,0	0,80
2,1-3,0	0,90
3,0 дан ортиқ	1,00

коэффициенти

4- жадвал

Зичланиш даражаси	Бонитиовка коэффициенти	
	Автоморфли	Яримгидроморф ва гидроморфли
зичлашмаган	1,00	1,00
кучсиз	0,90	0,85
ўртача	0,80	0,70
кучли	0,70	0,50
жуда кучли	0,60	0,40

Хўжалий ва бошқа ердан фойдаланувчиларни тупроқларини бонитировка қилиш учун тупроқ карталари асос бўлиб хизмат қилади. Баҳолаш объекти улардан ажратилган ҳар хил тупроқдир. Амалий бонитировка қуйидагича амалга оширилади. Дастлаб тупроқ картасидаги экспликациядан тартиб бўйича генетик гуруҳларни ва тупроқ хилларни механик таркибини бонитетини дастлабки баллари аниқланади. Бошқа хусусиятларни кўрсаткичи бонитировка коэффициенти жадвалларида келтирилган. Ҳар бир тупроқ хилини якуний бонитет бали дастлабки бални шкала бўйича бонитировка коэффициенти кетма - кетма кўпайтириш орқали амалга оширилади.

Тупрокни бонитировка ведомости

5-жадвал

Тупрок	Туп роқн и номи	База шкаласи бўйича баллар	Бонитировка				Майдон (гектар)	Бонитет ни якуний бали
			коэффициентлари					
			1	2	3	4		

Ерларни баҳолаш ишлари малакаси шуни кўрсатадики, тупроқни бонитировка қилиш ҳар бир алоҳида ҳолатда чегараланган миқдордаги бонитировка коэффициентларини (3 тадан ошмаслиги керак) ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Кўп миқдорда коэффициентларини ишлатиш, айниқса тенгланиш ва ифодаланиш хусусиятлари ноқонуний равишда тупроқни баҳолаш балларини пасайтиради.

Тупроқларни бонитировкасидаги принтсипиал ҳолат қуйидагилардан иборат: шкала бўйича баллар ва қўлланилаётган бонитировка коэффициентлари биргаликда баҳоланаётган тупроқни ҳамма асосий агрономлик хусусиятларини қамраб олиши лозимдир. ҳамда пахта ҳосилдорлигини 80% ни ташкил етиши керак.

Тупроқ бонитировкаси картаси мазмуни. Тупроқ бонитировка картасида экспликация билан бир қаторда тупроқни унумдорлиги бўйича таснифи жадвали келтирилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ бошқармаси томонидан қабул қилинган қонун бўйича, тупроқлар унумдорлиги даражаси 10 та синфга гуруҳлашган бўлиши зарур. Бу картада тупроқни хили емас, балки унинг унумдорлик синфига қуйидаги рангларда бўялади.

X - синф тўқ яшил	V- синф сарғиш
IX-синф яшил	IV- синф тўқ пушти
VIII- синф тўқ сариқ	III- синф пушти
VII- синф сариқ	II- синф тўқ кулранг
VI- синф қизғиш	I- синф кулранг

(Ранг шкаласи бўйича бошқа таклифлар ҳам бўлиши мумкин).

Тупроқни унумдорлиги бўйича таснифи

6-жадвал

Синфлар		Бонитет баллари	Тупроқ хилига кирувчи	суғорила диган ер майдони
	Номлари			
X	Енг яхши	91-100		
IX	Жуда яхши	81- 90		
VIII	Яхши	71-80		
VII	ўртадан юқори	61-70		
VI	ўртача	51-60		
V	ўртадан паст	41-50		
IV	Воситали	31-40		
III	Ёмон	21-30		
II	Жуда ёмон	11-20		
I	қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз	1-10		

Бу жадвал асосида ва ер солиғи таърифига ега бўлган хўжаликлар ўзлари бутун хўжаликка ёки алоҳида бригада ёки участкаларга солиқ ҳажмини ўзлари ҳисоблаб чиқиши мумкин.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида ҳамма турлари динамик ва суғориладиган ерни кўпгина хусусиятлари турғун бўлмайди нисбатан қисқа вақт оралиғида унинг хусусиятлари ўзгаради. Шунинг учун тупроқни баҳолаш мезонларини танлаш пайтида кўпроқ консерватив баҳо бериш зарур ва шу билан тупроқни қишлоқ хўжалидаги ҳосилдорлик хусусиятига қаралади. Суғориладиган деҳқончилик шароитида бундай хусусиятларга

механик таркиби киради. Механик таркиб тупроқни ўзак хусусиятига киради ва бу хусусият она наслидан мерос бўлиб ўтади. Шу билан бирга бу хусусият кўп ҳолларда тупроқни унумдорлигини аниқлайди.

Тупроқни ёмонлаштирадиган ва унинг унумдорлигини пасайтирадиган амалларга шағални жойлаштириш чуқурлиги, кум қатлами, гил горизонти, гипс горизонти, шоҳ ва арзик қатламлари киради.

Кўпинча ер ва тупроқ сўзларини аралаштириб синоним сифатида ишлатишади, лекин ер тушунчаси тупроқ тушунчасига нисбатан кенгрокдир.

Республикани тоғ олди текисликлари мураккаб рельефга бўлинганлиги сабабли тупроқни хусусиятларига тупроқни сифатига уни қайси жойда жойлашганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга ега: Тепаликдами, жарликдами қияликдами ерни сифатига ён бағирликларини экспозитсияси ва нишабликларини катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун тоғ ости текисликларида жойлашган катта масштабли тупроқ хариталари рельеф элементларига, ён бағирликнинг экспозитсияси ва нишабликларига кўра тупроқ хиллари ажратилишига керакдир.

**Дала юзаси нишаблиги ва қияликлари экспозитсиясига берилган
бонитировка коэффициентлари.**

7- жадвал

Ён бағир экспозицияси	Коэффициентлар	Майдон юзаси нишаблиги (град)	Коэффициентлар
Жанубий	1,00	1 гача	1,00
Шарқий	0,95	1-3	0,90
Ғарбий	0,90	3-5	0,80
Шимолий	0,85	5-7	0,70
		7- дан ортиқ	0,60

Тупроқни хусусиятларидан ташқари баҳолаш критериялари етиб кўпинча агроиқлим кўрсаткичлари рельеф, дала контурли ва бошқа

кўрсаткичлар қўлланилади. Агар бунга қатъий ёндошадиган бўлсак нотўғри ҳисобланади. Шунга кўра табиий шароитлар мажмуи баҳоланишига ёрдам берадиган шундай тартибдаги услубларни бонитировка ёки қишлоқ хўжалик екинларини экологик шароитларда нисбий баҳолаш дейиш мумкин. Агроиклимни, тупроқни, рельефни ҳусусий алоҳида баҳолаш экологик шароитлардаги бонитировкани таркибий қисми сифатида қуриш мумкин.

**Эффектив ҳарорат йиғиндиси бўйича агроиклим ҳудудининг
бонитировка коэффициенти.**

8-жадвал

Эффектив ҳарорат сумма т	Бонитировка коэффициенти
2050 дан кам	0,85
2051-2200	0,90
2201-2400	0,95
2401-2500	1,00
2501-2600	1,10
2601-2800	1,15
2801-3000	1,20
3000 дан юқори	1,25

Бонитировкага таъсир қиладиган омиллардан яна бири бу гипсдир. Гипсланган горизонтлар ёмон филтрловчи ва капилляр хусусиятларига эга. Шундай қилиб гипс қатламларда капилляр кўтарилишини баландлиги одатда 20 - 80 см га тенг. Грунт сувларининг ҳар хил гидрохимик характери билан характерланади ва ўша жойда карбонат магнийли шўрланиш юзага келади. Грунт сувларининг магний карбонат билан юқори даражада тўйинишини чуқурлиги 0,5-1,5 метр чуқурлигидаги шоҳли ёки арзикли горизонтини шакллантиришига олиб келади. Бу зичланиш амалда ўзидан сувни ўтказмайди ва маъданий ўсимликларни илдизини усишга жиддий тускинлик қиладди.

Тупроқнинг номи унинг пайдо бўлиши жараёнларини ўз ичига олиб, қайси типга мансублиги кўрсатади. Тупроқ типлари тоғ поялари ва кенглик минтақалари бўйича булинган. Сахро минтақаси тупроқлари сур тусли қўнғир, сахро қумли, тақирли, ўтлоқли тақирлар, шўрхоқлар ва ярим гидроморф (ўтлоқли тақирли, сур тусли қўнғир ўтлоқли ва бошқалар).

Илдиз жойлашадиган қалинликни қувватини чегараловчи қувват ва горизонтларни жойлашиш чуқурлигини бонитировка коэффициенти.

9жадвал

Қават ва горизонтлар ни жойлашиш чуқурлиги М	Шағал қавати	қумли қават	Гилли қават	Гипсли қават	Шоҳли ва арзикли қават	Чиринд и қават
Бонитировка коэффициентлари						
0,30 гача	0,60	0,65	0,45	0,50	0,50	0,65
0,31 - 0,50	0,70	0,75	0,50	0,70	0,60	0,75
0,51-0,70	0,80	0,85	0,65	0,80	0,75	0,85
0,71-1,00	0,90	0,95	0,85	0,90	0,90	0,95
1,00 дан ортиқ	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00

Агарда гипс горизонтни кучсиз даражада бўлса бонитировка коэффициенти 20% га ортади. (коэф1,2)ўртача даражасида еса 10% га ортади (коэф1.1)

Бонитировкада ҳисобга олиниши лозим бўлган энг муҳим факторлардан бири бу тупроқнинг механик таркибидир. Тупроқнинг механик таркиби тупроқни ташкил қилувчи заррачаларини катта-кичиклиги билан

характерланади. Лойли заррачалари диаметри 0,01мм дан кичик бўлади, қум заррачалари диаметри 0,01 дан йирик бўлади, чангсимон заррачалар 0,01 метри 0,01 мм дан йирик бўлади, чангсимон заррачалар 0,01-0,001 мм гача ва гил заррачалари 0,001 мм дан кичик бўлади. қумли заррачаларнинг фоиз миқдорида бир-бирига нисбатига қараб аниқланади.

Тупроқларнинг механик таркиби бўйича бўлиниши.

10-жадвал

Тупроқларнинг механик таркибига кўра номи	Физик лой миқдори (<0,01 мм)	Физик қум миқдори (>0,01мм)
қум	0-10	100-90
қумлоқ	10-20	90-80
Енгил қумоқ	20-30	90-70
ўрта қумоқ	30-45	70-55
Оғир қумоқ	45-60	55-40
Енгил лой	60-75	40-25
ўрта лой	75-85	25-15
Оғир лой	>85	<15

Тупроқ харитасига ёзилган экспликатсяда механик таркиби ҳайдов қатламида, (0-30см) илдиз озиқланадиган қатламида (30-100 см)ва тўшалган жинслар қатламига (100-200 см) кўрсатилади.

Тупроқнинг физик хусусияти- унинг унумдорлигини аниқловчи кўрсаткичлардан бири бўлиб, унинг зичлиги, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги, структураси (гумус ва гил билан биргаликда)ва бошқа кўпгина кўрсаткичлари кўпинча механик таркибга боғлиқ бўлади.

Лой ва оғир қумоқ механик таркибига ега бўлган тупроқлар юқори сув сиғими, кучсиз сув ўтказувчанлиги, чангли ва қатқалоқ пайдо бўлиши хусусиятлари билан ажралиб боради.

3.4. ЕРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИАТИ

Ерларни баҳолаш ишларининг асл мақсади ва моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, ерлари баҳолаш ишлари асосан иқтисодий аҳамият касб этишига гувоҳ бўламиз. Чунки баррча соҳалар сингари ер тузиш ишларининг ҳам асосида иқтисодиёт ётади. Ерларни баҳолашнинг ҳам иқтисодий моҳияти шунда.

Ерларни баҳолашнинг иқтисодий моҳияти қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан. Ерларни баҳолаш орқали тупроқнинг ўсимлик ўстира олиш қобилияти аниқланади ва маълум коеффициентлардан фойдаланган ҳолда ҳар бир қишлоқ хўжалик екинига қўйиладиган ҳосил талаби аниқланади.

Иккинчидан. Ерларга берилган бонитировка баллари натижаларига асосан ерлардан олинадиган ер солиғи миқдори белгиланади.

Учинчидан. Асосий қишлоқ хўжалик екинларининг (пахта, шоли, маккажўхори дони учун, беда) кўп йиллик дарахтзорлар ва яйловларнинг екин майдонларининг, ҳосилдорлик, ялпи маҳсулот, ҳар бир маҳсулотни етиштиришга сарф бўлган пул бирлигидаги харажатлар ва ишлаб чиқаришга сарф бўлган меҳнат харажатлари ҳар бир қишлоқ хўжалик екининг асосий ва (айланма) фондлари билан таъминланганлиги, солинган ўғитларнинг миқдори ва таркибини аниқлаш ва бу маълумотларни таҳлил қилиш орқали ерларнинг иқтисодий самарадорлигини мунтазам ошириб бориш.

Тупроқ бонитировкаси маълумотлари бўйича ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликларни ҳосилдорлигини аниқлаш. Берилган тупроқни ҳосилдорлик даражасига мос равишда қайсидир қишлоқ хўжалиги ўсимлигини ҳосилдорлигини аниқлаш учун унинг бонитет балини ҳосил баҳосидан 1 балл қийматига кўпайтириш керак. Тупроқ бонитетини ҳосилдорлик нархини 1 балини республикадаги қишлоқ хўжалиги ўсимлигини ўртача максимал ҳосилини 100 баллга бўлиш орқали ҳисобланади.

11- жадвал

Ўсимлик	Республиканинг ўртача максимал ҳосили тс/га	Тупроқ бонитетини баллини ҳосилдорлик нархи
Пахта	40	0,40
бугдой	60	0,60
Сули	75	0,75
2-3 йиллик беда	200	2,00
Маккажўхори (донга)	75	0,75

Массивнинг тупроқлар экспликациясига кўра массив ерларининг бонитировка натижалари майдонлар бўйича қуйидаги баллар мавжуд:

- 77 балл – 616 га;
- 68 балл – 25 га;
- 65 балл – 13 га;
- 60 балл – 188 га;
- 54 балл – 270 га;
- 51 балл – 82 га;
- 46 балл – 250 га;
- 41 балл – 23 га;
- 40 балл – 112 га;
- 36 балл – 144 га;
- 34 балл – 424 га.

Массив ерларининг ўртача бонитет бали 54 баллни ташкил қилади. Массив ерларининг ўртача балл бонитетидан ҳамда юқоридаги 6-жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда массив ерларининг ҳар бир қишлоқ хўжалиги экини учун ҳосил миқдорини аниқлаймиз.

Пахта. Пахта учун республиканинг ўртача максимал ҳосили 40 ц/га ни ташкил қилади. Тупроы бонитет баллининг 1 балли учун коэффициент 0,40 га тенг. Массивда экиладиган пахта учун ҳосил миқдорини аниқлаш учун ушбу коэффициентни массив ерларининг ўртача балл бонитетига кўпайтирамиз.
 $0,40 \text{ ц/га} * 54 \text{ балл} = 21,6 \text{ ц/га}$

Бугдой учун: $0.60 \text{ ц/га} * 54 \text{ балл} = 32,4 \text{ ц/га}$

2-3 йиллик беда учун: $2.0 * \text{ц/га} * 54 \text{ балл} = 108 \text{ ц/га}$

Маккажўхори дони учун: $0,75 \text{ ц/га} * 54 \text{ балл} = 40.5 \text{ ц/га}$.

Ер майдонларини иқтисодий баҳолашнинг тупроқ бонитировкасидан асосий фарқи шундан иборатки, бонитировка асосан тупроқларнинг табиий жисм ҳолатини, яъни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритишнинг иқтисодий шароитларини ҳисобга олмаган ҳолатини ўрганади. Иқтисодий баҳолашда еса ер қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида қаралади. Ерларни баҳолаш деҳқончиликнинг шу даврда еришилган интенсивлиги даражасида иқтисодий унумдорлиги жиҳатидан ер майдонларининг сифатини зарур аниқликда ёритилади. У жойнинг табиий ҳамда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шароитларини, ер участкаларнинг жойлашган ўрнини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдаги меҳнат ва пул харажатларини ҳисобга олиш орқали ўтказилади.

қўйилган мақсад ва талабларига биноан ерларни иқтисодий баҳолаш умумий ҳамда хусусий (якка тартибда) бўлиши мумкин. Хусусий баҳолаш хилма-хил тупроқ шароитларида аниқ қишлоқ хўжалик екинлари етиштиришнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Шу билан бирга хусусий баҳолаш хилма-хил қишлоқ хўжалик екинларини ўстиришда тупроқларнинг яроқлиги тўғрисида ҳам маълумотларга ега бўлиб, қўшимча капитал маблағларсиз маълум иқтисодий самарадорликни таъминлайди. Умумий иқтисодий баҳолаш тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичларини ва деҳқончилик интенсивлигини шу даврда еришилган даражасида ер

майдонларидан фойдаланишнинг самарадорлигини характерлайдиган кўрсаткичларини аниқлашга мўлжалланган.

Ер баҳолаш бирлигини сайлаш маълум шароитга асосланади. Мингдан ортиқ тупроқ хиллари мавжуд бўлган Ўзбекистон шароитда ер майдонларини иқтисодий баҳолаш ерларини баҳолаш методикасига биноан ўтказилади ва бу ерда шундай ер баҳолаш бирлиги қилиб тупроқ агроишлаб чиқариш гуруҳлари қабул қилинди.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш воситаси ҳолатидаги ер майдонининг сифати тупроқ унумдорлиги орқали аниқланади. Тупроқ унумдорлиги фақат қишлоқ хўжалик екинларининг турлича ҳосилдорлигига олиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳосилдорлик ерларни иқтисодий баҳолашнинг бирламчи кўрсаткичи ролини бажаради. Ер майдонларини иқтисодий баҳолаш учун танланган қишлоқ хўжалик екинлари шу кадастр районининг худуди учун характерли бўлиши зарур. Ишлаб чиқариш ва товар аҳамиятига ега бўлган қишлоқ хўжалик екинлари, шу жумладан суғориладиган деҳқончиликнинг асосий екинлари: пахта, шоли, ғалла екиналари, маккажўхори дони учун ва беда асосий рўйхатга киритилади.

Шунга қарамасдан, ҳосилдорлик бўйича ер майдонларини иқтисодий баҳолашнинг асосий мушкул томони шундан иборатки, қишлоқ хўжалик екинларининг ҳосилдорлиги уларни етиштиришга сарфланган харажатларнинг тенглиги шароитида ерларнинг сифатини белгилайди. Бундан ташқари, умуман олганда, бу кўрсаткич ерларнинг унумдорлиги тўғрисида тўла маълумот бера олмайди. Хилма-хил қишлоқ хўжалик екинларининг ҳосилдорлигини тўлароқ аниқлашга ялпи маҳсулотнинг қиймати ҳамда табақаланган даромад каби пул қийматидаги кўрсаткичлар хизмат қилиши мумкин.

Ялпи маҳсулот қиймати қишлоқ хўжалик екинлари ҳосилдорлигини екин майдонлари структураси ҳисобида кадастр баҳоларига кўпайтмаси шаклида аниқланади.

$$ЯМ = \frac{Y_1 C_1 P_1 + Y_2 C_2 P_2 + Y_n C_n P_n}{P_1 + P_2 + \dots + P_n} = \sum_{i=1}^n \frac{Y_i C_i P_i}{P_i}$$

Бу ерда: $Y_1 Y_2$ - екинлар ҳосилдорлиги п га

СС-екинларнинг кадастр баҳоси Φ кадастр баҳоси

1 2-бу ишлаб чиқаришнинг паст шароитида ижтимоий зарур харажатларга асосланган баҳо,

$P_1 P_2$ - екин майдонлари, га

Харажатларни коплаш (ХК) қуйидаги формула ердамида аникланади:

$$ХК = ЯМ / X$$

бу ерда ЯМ - бир гектарга тўғри келадиган маҳсулотнинг киймати (ялпи киймат умумий баҳолаш учун маълум экинда якка тартибда баҳолаш учун).

X - умумий меҳнат харажати ва пул бирлигидаги киймати (1 гектар хайдалма ер ҳисобида ёки аниқ экиннинг 1 гектар майдони ҳисобида).

Бир гектар ҳисобида табақаланган даромад миқдорини аниклаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Соф даромаднинг киймати ҳисобланади:

$$СД = ЯМ - X$$

2. Бир гектар ҳисобида нормал соф даромаднинг (СДм) киймати аникланади:

$$СДм = 0,15 * (\Phi_{ас} * \Phi_{ай})$$

бу ерда $\Phi_{ас}$ - асосий ишлаб чиқариш фондларининг киймати (ерларни умумий баҳолашда 1 гектар хайдалма ер ҳисобида ва хусусий баҳолашда - 1 гектар маълум экин майдони ҳисобида);

$\Phi_{ай}$ - айланма ифондларининг киймати (1 гектар хайдалма ер ва 1 гектар маълум экин майдони ҳисобида).

Айланма фондларнинг киймати қуйидаги формула ердамида аникланади:

$$\Phi_{ай} = X - A$$

бу ерда: A - 1 гектар ҳисобида асосий воситалар амортизацияси (умумий баҳолаш учун - деҳқончилик бўйича, хусусий баҳолаш учун - аниқ экинлар

буйича).

Нормал соф даромаднинг киймати берилган ер баҳолаш райони хўжаликлари буйича бир хил қилиб белгиланади.

3. Табакаланган даромад (ТД) соф даромаднинг нормал кийматидан юкори қисмидаги қўшимча каби ҳисобланади.

$$ТД = СД - СДм$$

Олинган курсаткичлар асосида кадастр райони буйича ер майдонларини иқтисодий баҳолаш шкаласи тузилади. баҳолаш шкаласи жадвал куринишида бўлиб, ер турлари буйича барча баҳолаш бирликларини махсулдорлиги ва унумдорлиги даражасини нисбий курсаткичларда еритади. Шкала асосан ер майдонларининг сифатини характерлайдиган турли курсаткичлар буйича тузилади.

Маъмурий туман чегарасида ер баҳолаш ишларини ўтказиш асосан алоҳида хўжалик майдонларига ер материалларини умумлаштирилган ҳолда жами туман бўйича баҳолаш кўрсаткичларини ўртача келтирилган кийматларини аниқлашдан иборат. Бунда икки ҳолат кузатилиши мумкин : биринчи-маъмурий туман барча ҳудуди бир кадастр райони чегасида жойлашган бўлса, иккинчи-ҳолатда маъмурий туман ерлари икки ёки ундан ортиқ кадастр районлари таркибида бўлиши мумкин.

Биринчи ҳолатда ер баҳолашнинг ўртача келтирилган кўрсаткичлари туманнинг барча ерлари учун битта шкала бўйича аниқланади. Кейинги ҳолатда еса ўртача келтирилган кўрсаткичлар турли кадастр районлари таркибига кирган ҳудудий туман қисмлари учун алоҳида шкалалардан олинади. Ер баҳосининг ўртача келтирилган кўрсаткичлари қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Б_{урт} С_K = \frac{B_1 + P_2 B_2 + P_n B_n}{P_1 + P_2 + \dots + P_n}$$

Бу ерда :

$B_{урт} С_K$ -маъмурий туман қишлоқ хўжалик ерларининг баҳо кўрсаткичи ёки ўртача келтирилган балл

$B_1 B_2 \dots B_n$ алоҳида корхона, муассаса ва ташкилотлар қишлоқ хўжалик ерларининг баҳо кўрсаткичлари ёки баллари

$P_1 P_2 \dots P_n$ -корхона, муассаса ва ташкилотлар қишлоқ хўжалик ерларининг майдонлари, га

Ерларни баҳолаш натижалари бўйича жами туман бўйича ер баҳолаш кўрсаткичларини ўртача қийматга олиб келган ҳолда кўп йиллик дарахтзорлар турлари ва алоҳида қишлоқ хўжалик екинларини ўстириш самарадорлиги бўйича хусусий баҳолаш ҳамда асосий қишлоқ хўжалик екинлари бўйича умумий баҳолаш ведомостлари тузилади.

3.5. ЕР БАҲОЛАШ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ

Бугунги кунда ер тузиш ишларини бажаришда ижтимоий -иқтисодий меёрлар билан бир қаторда экологик омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Чунки бугунги кунда экологик муаммолар тобора йириклашиб глобаллашиб бормоқда.

Ер баҳолаш ишларини ўтказишда ҳам бир қанча экологик меёрларга амал қилиш лозим. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Баҳоланаётган тупроқ таркибидаги кимёвий радиактив моддаларни миқдорини аниқлаш ва уларни камайтиришга қаратилган чоралар кўриш.
- Ерларнинг шўрланишига сабаб бўлаётган табиий ва антропоген омилларни аниқлаш ва шўрланишнинг олдини олиш;
- Ерларни ерозияланишини аниқлаш, натижаларни йиллар бўйича таҳлил қилиш ва унга қарши чора тадбирлар ишлаб чиқиш.
- Ўрганилаётган ҳудудда жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳудудга келтираётган экологик зарарларини аниқлаш(башарти у мавжуд бўлса) ва уни олдини олиш;

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мен битирув малакавий ишимни “Нарзи Ражабов массивида ер ҳисобини юритиш ва ер баҳолаш ишларини ўтказиш” мавзусида бажардим ва битирув малакавий иши мавзуси доирасида қуйидагиларни аниқладим:

1). Нарзи Ражабов массиви Бухоро вилояти Жондор туманининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб шимолий томондан Тошқул Ҳотамов массиви, туман ўрмон хўжалиги ва Жондор шаҳарчаси ерлари билан, жанубий томондан Навоий ҳамда Ўзбекистон массиви ерлари билан, шарқий томондан Охунбобоев ва Теша Салимов массиви ерлари билан, ғарбий томондан Зарафшон массиви ерлари билан чегарадош.

2). Массивда 3037 та оила мавжуд бўлиб аҳоли сони 14285 нафарни ташкил қилади (2011 йил 1- январ ҳолатида).

3). Массивнинг йиллик харорати 20°C дан юкори. Пахта узиш давридаги мусбат хароратнинг йигиндиси $4750 - 4950^{\circ}\text{C}$. Иқлим қуруқсизлиги бу ерда ёгин - сочиннинг камлиги билан ифодаланади. 1 йилда ўртача 125 мм ёгингарчилик кузатилади. Ер сатҳидан парланиш йилига 2500 мм атрофидадир. Парланиш ва буғланиш ёгингарчилик микдорига нисбатан 10-15 маротаба ошиб кетади

4). Массивда олиб борилган ер ҳисоби натижаларига кўра массивнинг умумий ер майдони 5378 гектарни ташкил қилади. Шундан суғориладиган майдон 1691 гектар, боғлар 53 гектар, узумзорлар 27 гектар, тутзорлар 44 гектар, томорқа ерлари (аҳоли яшаш уйлари билан бирга) 2480 гектар, ўрмон фонди ерлари 5 гектар, сув остидаги ерлар(ариқлар, зовурлар ва бошқалар) 258 гектар, бошқа ерлар 304 гектар.

5). Массивда олиб борилган ер баҳолаш ишлари натижаларига кўра массив ерларининг бонитировка балллари майдонлар бўйича қуйидагича:

77 балл 616 га, 68 балл 25 га, 65 балл 13 га, 60 балл 188 га, 54 балл 270 га, 51 балл 82 га, 46 балл 250 га, 41 балл 23 га, 40 балл 112 га, 36 балл 144 га, 34

балл 424 га. Массив ерларининг ўртача бонитет бали 54 баллни ташкил қилади.

Битирув малакавий ишини бажариш давомида аниқланган маълумотларга асосланиб массивни келажакда янада ривожлантириш мақсадида, қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1). Ер ҳисобини юритишда асосан замонавий асбоблардан(электрон теодолит, замонавий GPS лар) фойдаланиш.

2). Ер ҳисобини юритиш муддатларига амал қилиш ва ишни ўз вақтида бажариш.

3). Ер ҳисоби маълумотларининг аниқлигини таъминлаш. Кўп ҳолларда ер ҳисоби маълумотларидаги ҳар хиллик кузатилади. Яни айнан ытта худуддаги ер ҳисоби тўғрисидаги маълумотлар турли хил бўлади.

4). Бизга маълумки Бухоро вилояти ва айниқса Жондор туманида, жумладан биз томонимиздан ўрганилган массивда ҳам ерларнинг хусусичтлари ниҳоятда хилма-хилдир. Ҳаттоки битта контурнинг турли қисмларида турли хил тупроқлар тарқалагн бўлиши мумкин. Шунинг учун ер баҳолаш ишларини ўтказишда ҳар бир ер майдонининг хусусиятлари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида тупроққа солинадиган НПК миқдорини тўғри аниқлаш имконини беради.

5). Ер баҳолаш ишларининг ўз муддатларида бажариш ишларини ташкил қилиш. Бизга маълумки, ҳозир амалда фойдаланилаётган ер баҳолаш маълумотлари 2004 йилда бажарилган ишлар натижасидир. Вилоят худудини тўла қайта баҳолаш ишлари эса ҳали ўз ниҳоясига етмаган. Демак, ҳозир биз амалда қўллаётган ерларнинг баҳолаш маълумолари 8 йил олдин олиб борилган ишлар натижасидир. Ўтган саккиз йил давомида тупроқнинг хусуситлари ўзгармай қолиши мумкин эмас.

6). Барча ер тузиш ишлари натижаларини чуқур таҳлил қилиш ва улар асосида аниқ илмий хулосалар ишлаб чиқиш.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” Т.: Ўзбекистон, 2011й
2. И.А.Каримов, «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарор-лик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», Т. Ўзбекистон 1997
3. И.А.Каримов, “2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор вазифалари”
4. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995
5. И.А.Каримов, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т. Ўзбекистон, 1998
6. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.:Ўзбекистон, 2009
7. И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2011
8. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т. Ўзбекистон, 1997
9. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т.: Шарқ, 1998
10. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида». Т.:1998
11. Жондор тумани “Статистика бўлими”нинг массив тўғрисидаги маълумотлари.
12. Жондор тумани “Пўлоти” ҚФЙ маълумотлари.
13. Жондор туман “Ер ресурслари ва давлат кадасти бўлими” маълумотлари.
14. “Ўздаверлойиҳа” институти Бухоро филиали маълумотлари.
15. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш» Т.: Янги аср авлоди,2004
16. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Т.: Янги аср авлоди, 2002
17. Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р, Ғофиров А.Ж. «Ер кадастри» Т.: ТИМИ, 2008.
18. Аvezбаев С., Волков С.Н. « Ер тузишнинг илмий асослари» Т Янги аср авлоди, 2002
19. Ер муносабатларини тартибга солишга доир меъёрий хужжатлар туплами, 1-2 том, Т.:1997
20. М.Рустамбоев ва бошқ. “Ер ҳуқуқи”.Дарслик. Т.: Тошкент Юридик институти, 2002
21. Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ўқув қўлланма. Т: 2007

22. Қудратов О., Ғаниев Т. Фавқулодда вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.:Янги аср авлоди, 2005
23. Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.:Меҳнат, 2000
24. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

25. www.Google.ru
26. www.Gov.uz
27. www.Lex.uz
28. www.ZiyoNet.uz
29. www.kadastr.ru
30. www.ast.ru
31. www.prom.kz
32. www.18.rosfirm.ru
33. www.baseref.ru

ИЛОВАЛАР

Бухоро вилояти Жондор тумани
Нарзи Ражабов номли массивнинг

Тупроклар харитаси экспликацияси

Субтропик чул табиат зонаси (минтакаси)

Зарафшон тупрок иклим округи

1-илова

№ тупр ок айир мала ри	Узлаштирил ганлик даври	Механик таркиби			Чиринди		Харакатда ги мг/кг микдори		(% хисобида)			Жойлани ш чукурлиг и		Майдони га		Бонитет балли
		0-30	30-100	100- 200	Катл ам кали нлиг и см	%	P ₂ O ₅	K ₂ O	Курук колдик	Cl	SO ₄	Шурланиш	Ер ост и сув лар и	Умумий	Суғорил адиган к/х ерлари	
Зарафшон даресининг Псохили усти террасаси катламли аллювиал ёткизиклар. Суғориладиган утлоки тупроклар.																
1	Эскидан суғориладиг ан ўрта маданийлаш ган	ўрта кумо кли	енгил ва ўрта кумок	ўрта ва кум каватл и огир кумок	50- 60	0,75	-	-	-	-	-	кам	1,5	616,0	554/26	77
2	Эскидан суғориладиг ан ўрта маданийлаш ган	ўрта кумо кли	енгил ва ўрта кумок	ўрта ва кум каватл и огир кумок	60- 70	0,76	15	180	0,400	0,054	0,192	ўрта		1,5	118,0	112/3

3	Эскидан суғориладиг ан ўрта маданийлаш ган	енги л кумо қли	енгил ва ўрта кумоқ	ўрта ва кум каватл и огир кумоқ	60- 70	0,64	-	-	-	-	-	кам	1,5	65,0	49/4	51
4	Эскидан суғориладиг ан ўрта маданийлаш ган	енги л кумо қли	енгил ва ўрта кумоқ	ўрта ва кум каватл и огир кумоқ	50- 60	0,73	15,8	170	0,322	0,054	0,144	ўрта	1,5	188,0	167/9	60
5	Эскидан суғориладиг ан кам маданийлаш ган	ўрта кумо қли	енгил ва ўрта кумоқ	кум билан тушал ган огир ва ўрта кумоқ	50- 60	0,64	14,2	160	0,23	0,036	0,101	ўрта	1,5	223,0	176/29	46
6	Эскидан суғориладиг ан кам маданийлаш ган	ўрта кумо қли	енгил ва ўрта кумоқ	кум билан тушал ган огир ва ўрта кумоқ	50- 60	0,76	16,6	250	0,790	0,126	0,385	кучл и	1,5	80,0	72/4,0	36

1-илованинг давоми

[illegible]

[illegible]

17	Янги суғориладиган кам маданийлашган	кумли	кумлар	кумлар	30	0,55	-	-	-	-	-	ўрта	1,5	64	48/11	36
18	Янги суғориладиган кам маданийлашган	кумли	енгил кумоқ	кумлар	40-50	0,76	13,3	150	0,726	0,126	0,340	кучли	1,5	114,0	106/4	34
	Суғориладиган тақир-утлоки тупроқ															
19	Янги суғориладиган кам маданийлашган	ўрта кумоқли	ўрта кумоқли	огир кумоқли	0-30	0,62	-	-	-	-	-	кучли	1,5 - 2,0	186	172,0	34
20	Текширилмаган ерлар:													3167		
													Жами:	5324	1851/156	
													Ўртача балл:	54		